

1991 йил 1 сентябрдан
чиқа бошлаган



Тадбиркорлик - давр талаби

СУРХОННИНГ ТАНТИ ҚИЗИ

Зулхуморнинг суяги далада қотган десак, ёлгон бўлмас. Онаси Ғуилой опа "бригад" деган номни оқлаш учун йилнинг 9 ойи далада эди. Фақат кишининг аёзли кунларига уйда бўларди. Отаси ҳам "Амир Темур" колхозда шофёрлик қилиб, рўзгор тебратарди. Оиладаги 5 қиз, 3 ўғилга шийпон атрофидаги дарахлар алла айтиб, еллар беланчагини тебратгани рост. Шунинг учунми болалар деҳқончиликка меҳр қўйишди. Замон ўзгариб, колхозлар тугатилди. Ҳамма ўз иқтидорига, имконига, меҳнатига яраша мулкдор бўлди. Ернинг тилини билган одамнинг пешонаси ярқиради. 2000 йил Зулхумор "Хафиз Назаров" фермер хўжалигини ташкил қилиб, 10 гектар ерга бугдой ва пахта экди. Онасидан ўрганганидай ерни парвариш қилди, экинларига меҳрини берди. Хосилдорлик яхши бўлди. Зулхумор (раҳматли) "Ғуилой бригад"нинг юзини ёруғ қилди. Ҳукумат "Ишлайман" деганга имкон берди. У тендерда қатнашиб, яна 50 гектар ерга эга бўлди. Ғуил, қизлари бошқа соҳанинг бошини туттишган бўлишса-да, бўш пайтлари опаларига хўжалик ишларида жон-диллари билан ёрдамлашадилар. Ташболта ака ҳам беморларидан (касби шифокор) кўнгли тинчигач, турмуш ўртоғига камарбаста бўлди. Шунингдек 16 нафар ишчи бир бўлиб, Зулхуморнинг юкини ерда қолдиришмади.

Харакатни ўзи тўлаб, тузалиб кетгунича хабардор бўлди. Оиладагиларнинг кўнглини кўтарди. Одамларнинг оғири энгил бўлсин, деб 1,5 км.лик йўлни асфальтлаштирди. Шунингдек, маҳалладаги болалар боғчасини таъмирлаб, уларнинг озиқ-овқатига ҳам доим кўмаклашиб туради...

Ҳа, Сурхондарё вилояти Денов туманида фаолият юритаётган "Хафиз Назаров" ф/х раиси Зулхумор Бўриева ҳақида гап кетганда, "Уйи бугдойга тўлгурнинг отасига минг раҳмат! Бунақа қўли очик, сеҳриммат одамнинг топгани олтин бўлсин, илоҳим!" дея дуо қилишади.

- Хўжалигимиз 2007 йилги "Ташаббус" қўрик-танловининг вилоят босқичида қатнашиб, "Энг илгор галлакор фермер" номинацияси ғолиби бўлиб қайтдим, - дейди Зулхуморхон. Бу эса менга янада ғайрат баҳш этди гўё. Янги режалар туғилди. Туманимизда ташландиқ ҳусули қолган кинотеатр-ни хусусийлаштирганман. Шунингдек, чорвачилик фермаси очиб орузимни ҳам бор. Натижада 50-60 нафар қиз-жувонлар иш билан таъминланади, уйига қут-баракка, фаровонлик киради. Ҳатто шогирдлар ҳам етиштириб, сафимизни кенгайтирмоқчиман. Бу борада ёзилган адабиётларни, газета, журналлардаги мақолаларни топиб ўқийман. Қизларга ҳам ўзим билганларимни тушунтираман, янгилик яратишга ундайман. Ўзим туман тадбиркор аёлларига бошчилик қиламан. 18 нафар фермер, 10 нафар тадбиркор аёлларимиз бор. Инсон ҳаракат қилсагина, муродига етати-ўзи ҳам, аҳли хеши, эли ҳам тўқ бўлади, фаровонликка эришади. Уюшмамиз аъзолари ана шундай ақида билан меҳнат қилаётган фаол аёллардан ташкил топган.

Меҳнат қилгани бахт ҳам суяди, деганлари шу-да!
С. ФАХРИДИНОВА

КАТТА ҲАЁТ БЎСАҒАСИДА

Талабаларни ҳаётга тайёрлаш, мушоҳадаси кенг, ижодкор, билимдон мутахассис бўлиб етишишлари учун Тошкент юридик коллежи жамоаси уюштираётган тадбирларнинг аҳамияти бекиёс. Яқинда Тошкент шаҳри, Сирғали туманида "Ижтимоий химоя йили" муносабати билан Президентимизнинг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тад-

бирлар тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ ўтказилган анжуман ёш ҳуқуқшунослар учун ҳам, йиғилганлар учун ҳам унутилмас бўлди. Талабалар 14 нафар ёш оилани тантанали равишда қонуний никоҳдан ўтказдилар. Тадбирга Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, Сирғали тумани ҳокимлигининг ва ФХДЁ бўлими вакиллари ҳамкорлик қилишди.

САНБОАР

Ушбу саҳифа Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликлари кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. Лойиҳа номи: "Оналик ва болалик муаммолари, Хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини ошириш, оиладаги ўзаро муносабатлар"

ФАЙЗЛИ ХОНАДОН СОҲИБЛАРИ

Хоразм вилояти, Ургенч шаҳридаги Феруз маҳалласида Қутлимурод ака Ражабов оиласи истиқомат қилади. 33 йил ёш авлодга дарс берган бу инсоннинг рафиқаси Махфират опа ҳам ўқитувчи бўлгани учун ишда ҳам, оилада ҳам бир-бирларига ҳамнафас бўлиб яшади. Иккиси 42 йил аҳил яшаб, беш фарзандни вояга етказдилар. Бугун уларнинг ҳаммаси олий маълумотли, ҳаётда ўз ўринларини топишган.



Хар бир ота-онага бахт аввало фарзандлари орқали келар экан. Мана, биз фарзандимизни худди ниҳолдек авайлаб-асраб ўстирдик. Тарбиясига камтарлик ва меҳнат-севарликни сингдиришга ҳаракат қилдик, - дейди Қутлимурод ака. - Катта ўғлим дипломини олиб келганида кўнглим тоғдек ўсди. Илк машинаси олиб келганида эса кўзларимга ёш келди. Хурсанд бўлдим, йиллар давомида ўстирган ниҳолим ўз мева-

сини берди-да. Кейинги фарзандларим ҳам олий маълумотли. Вақти келиб келинлар олдик, куёвлар, набиралар кўрдик. Шукр! Фарзандлар тақдирдан кўнгли тўқлиги инсон учун энг катта бахт экан. Баъзилар мени худда талабчан, дейишади. Шундай бўлиши ҳам керак. Чунки хар бир оилада отанинг ўрни билиниб туриши шарт. Чиндан ҳам Қутлимурод ака бир оз қаттиққўл, талабчан, аммо кўнгли юмшоқ ва меҳрибон одам. Маҳалласида ўзига яраша обрў-эътибори бор. Бир оила ажрашиб кетиш арафасида эди. Қутлимурод ака орага тушиб эру хотинни яраштириб қўйди. Орандан йиллар ўтиб, ўша - ажралишига сал қолган оиладаги фарзандлар вояга етишди. Шулардан бири уйланди. Тўй охирида уй эгаси ўртага чиқиб одамларга шундай деди: - Бугунги тўй учун оиламиз номидан Қутлимурод акага ташаккур айтмоқчиман. Агар бир пайтлар у киши ўртага тушиб, бизни яраштириб қўймаганида, бу кунларни кўрмасдик. Бугунги тўй ҳам бўлмасди, илоё умрлари узун бўлсин! - дея кўзларига ёш олди. Қутлимурод ака қилган бунақа савобли ишлар сон-саноксиз.

Миробид МИРСОДИКОВ

ИШ УСТАСИДАН ҚЎРҚАДИ



Яхшилардан сўз очдик
хон тишим оғриб қолди. Бунинг ажабланидиган жойи йўқ. Ҳаммада ҳам бундай ҳол бўлиши мумкин. Бахтимизга тишим даволовчи шифо масканлари кўп. Шаҳардаги катталар тиш касалликлари шифохонасига бордим. Бу ерда даволаш бўлими бошлиғи бўлиб ишлайдиган Сорахон Ҳамроева оғриқ тишимни текшириб кўрди. Қақшаб ҳозиргина безовта қилиб турган оғриқ бир зумда йўқолди. Ё менданги кўркув сабаб бўлди, ё иш устасидан кўрқади деганлари рост. Шундай бўлса-да, Сорахон тишимни текшириб кўрди, алланималар билан муолажа қилди, шекилли, - Мана, тишингиз энди соппа-

соғ, - деди мендан кўркув туйғусини бутунлай ҳайдамоқчи бўлгандай. Ўз-ўзидан суҳбатимиз қовушиб, шифокор меҳнат фаолиятидан анча-мунча хабардор бўлиб олдим. Ўрта мактабни битирган Сорахон Тошкент Давлат тиббиёт институтида тахсил олган. Олий тоифали шифокор. Оилада ҳам меҳрибон она, саранжом-сарирштали бека. Катта қизи Нилуфар Фозилова Қарши Давлат Педагогика университети талабаси. Кичик қизи Нафиса эса ўрта мактабни битириш арафасида. У онаси сингари шифокор бўлишни орзу қилади. Сорахонга учраб, тишимни даволатганимдан буён мен ҳам тиш оғриғи нималигини билмайдиган бўлдим.

Азим ЭШОНҚУЛОВ

- Тишингиз оғрияптими? Бунинг давоси бор!
Телевизордаги рекламаларни кўриб, Сорахон ёдимга тушиб кетди. Қарши шаҳрида хизмат сафарига юриб, нога-

ИШ САМАРАСИ—ҲАМЖИҲАТЛИКДА

Яқинда Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар хотин-қизлар кўмитасида бўлиб, Президентимизнинг "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, кўмитанинг уч йўналиш бўйича ҳаракат Дастурлари ва бошқа ҳужжатлар ижросини таъминлаш борасидаги ишлар қай даражада бораётгани билан қизиқдик.



тимизнинг ёш оилаларни кўллаб қувватлаш борасидаги Фармонлари моҳияти тўғрисидаги тушунтириш ишлари яхши йўлга қўйилган. Шу кунгача 8 та оилага ипотека ва 4 та оилага истеъмол кредитлари беришга эришилди.

Қизларни турмушга тайёрлаш масалалари доимо диққат марказимизда. Шу мақсадда ўқув муассасаларида хотин-қизлар кенгашлари ва кизлар клубларининг фаолияти жонлантирилмоқда.

Худудимизда ҳарбий қисмларнинг кўплиги боис, улар билан ўзаро ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Курсантлар ва ёш ҳарбийлар оилаларининг шароитлари ўрганилиб, қонун асосида имкони борча уларга ёрдам бериб келяпмиз.

Шаҳримиздаги корхоналарда ишлаётган аёлларнинг меҳнат имтиёзлари, шароитлари қай даражада эканлиги доим эътиборда. Шу билан бирга аёллар ва вояга етмаганлар орасида содир бўлаётган жиноatchилик, оналар ва болалар ўлими, оилавий ажримлар, енгил табият аёлларнинг мавжудлиги каби муаммолар бизнинг оғрикли нуқталаримиздир. Бу борада кўмитамизнинг шаҳар ҳокимияти, аҳолини ижтимоий маҳофаза қилиш бўлими, Халқ демократик партияси, Маънавият тарғибот маркази, ички ишлар бошқармаси, "Маҳалла" жамғармаси, меҳнат биржаси билан олиб бораётган ҳамкорликдаги ишлари ўз ижобий натижаларини беради деган умиддамиз.

Норинисо КАРИМОВА - 31 - маҳалла маслаҳатчиси.
- Мен фаолият олиб бораётган маҳалла шаҳарнинг энг чеккасида жойлашган бўлиб, 3.500 та аҳолиси бор.
Бу йил «Қайнона - иккинчи она» кўрик-танлови, ёшлар ўртасида милиция кубоги учун «Ез-2007» спорт мусобақасини ҳамда «Маҳалла тарихини ўрганамиз» кўрик танловлари ўтказдик.

Яқинда 140 нафар маҳалламиз болалари тиббий кўриқдан ўтказилиб, касалликлари аниқланган болалар тегишли шифохоналарда даволаниши учун шу ернинг ўзидаёқ тегишли йўлланмалар билан таъминландилар.

Маҳалла раиси Жарилғасин Умбетов билан биргаликда «Соғлом она-соғлом бола» шиори остида иш юритиб, ёрдамга эҳтиёжи бор оилаларга қўлдан келганча мадад беришга, хотин-қизларнинг тиббий, ҳуқуқий билимларини оширишга, оилалар барқарорлигини таъминлашга қаратилган тадбирларни ўтказишни ташкиллаштираяпмиз. Маҳалламиз қошида ташкил этилган яраштириш комиссиялари ўз ишини оилаларни сақлаб қолиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган. Тўй-ҳашамларни икчам, ортиқча сарф-харажатсиз ўтказиш



га ҳам эришаяпмиз. Муаммоларимиздан бири новвойхона ҳамда сомсахона куриш эди, ҳозир бу ишни ҳам йўлга қўяпмиз.

Ўзим «Намунали маслаҳатчи» кўрик танловининг шаҳар босқичида қатнашиб голибликни кўлга киритдим ва республика босқичида иштирок этиб фахрли учинчи ўринни эгалладим. Маҳалламизда русийзабон фуқароларнинг кўпчилиги исминини айтишга қийналишиб, кўпинча уйма-уй юрган пайтларим орқандан «Маҳалла, маҳалла» деб чақиритишди. Маҳаллада ишлаб иккинчи исми ҳам бўлиб олдим. Бу мен учун яшашнинг маъноси, менга берилган баҳо-эътибор деб ўйлайман. Маҳаллам учун хизмат қилишдан асло чарчамайман.



Шоҳида ИРИСМЕТОВА - Чирчиқ шаҳар ҳоким ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси.

- Хотин-қизлар кўмиталари фаолияти самарадорлигини ошириш, уларнинг маънавий-сиёсий, ҳуқуқий билимларини кенгайтириш, оилалардаги ижтимоий барқарорликни таъминлаш, хотин-қизлар жиноятчилиги, оилавий ажримлар, она ва болалар ўлимининг олдини олиш борасидаги кўмитамизнинг бир қатор ишлари ўзининг маълум самараларини бермоқда.

Чунончи, оилаларни мустаҳкамлаш, ёш оилаларни кўллаб-қувватлаш, ажримларни олдини олишда «Аёл, оила ва жамият» гуруҳлари ташкил этилиб, шу асосда «Аёл ҳуқуқи - инсон ҳуқуқи» шиори остида бир ой давомида аёлларнинг ҳуқуқий билимини оширишга қаратилган семинарлар ташкил этилди.

Муҳаббат ЗОКИРОВА - Чирчиқ шаҳар «Умид» номи 6-маҳалла маслаҳатчиси.

- Маҳалламизда «Оила», «Саломатлик», «Қадрият», «Оила чироғи - аёл» мавзуларида семинарлар бўлиб туради. Бу тадбирларда шарқона, ўзбекона одоб-ахлоқ, оилавий муносабатлардаги муаммо ва камчиликлар, ёшлар тарбияси, азалий удумларимиз асосида таълим-тарбия ишларини йўлга қўйиш, чора кўрилиши керак бўлган салбий ҳолатлар муҳофизат этилади.

Балоғат ёшига етмаган қизларни турмушга бериш, ёшларимизни ўз ҳақ-ҳуқуқларини, тадбиркорлик тушунчаларини такомиллаштиришда мутахассислар, ҳаёт тажрибаси кўп бўлган кекса отахону онахонлар иштирокида ўтказилаётган давра сўхбатлари яхши натижа бераётди.

Худудимизда жойлашган 2 та умумтаълим мактаб, мактабга-

Шаҳримиздаги мавжуд 44 маҳаллада "Аёл - баркамол авлод мураббийси", "Соғлом она-соғлом бола" мавзуларида кўрик танловлар бўлиб ўтди. Бу тадбирларни ўтказишдан мақсад, уйда ўтирган, иш билан банд бўлмаган аёлларнинг фаоллигини ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хисса қўшишдир.

Шунингдек, шаҳримиздаги 25 та умумтаълим мактаби, 8 та касб-ҳунар коллежи услубчи ва ўқитувчилари, 36 та мактабгача таълим муассасасининг тарбиячилари билан учрашувлар ташкил қилдик.

Байрамлар арафасида шаҳар ҳокимлиги, ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликда ногиронлар, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий ёрдам уюштираяпмиз.

Ҳозирги вақтда кенг йўлга қўйилган касаначилик ва хусусий тадбиркорлик ишлари айниқса таҳсинга сазовордир. Маълумки, шаҳримизда бир қатор ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд. Биргина мисол. «БУРСЕЛ» қўшма корхонасида текстил фабрикаларидан чиққан чиқиндилар ҳисобига янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Корхонага асосан уйда ўтирган аёллар ишга жалб қилинган. Ҳозирги вақтда бу ерда ҳам 180 дан ортиқ аёллар касаначилик билан шуғулланиб келмоқда.

Бундан ташқари, Президентимизнинг



Суратда: (чапдан ўнга) Ҳақима Фуловова - маҳалла фаоли, Муҳаббат Зокирова - маҳалла маслаҳатчиси, Вазира Зоҳидова - маҳалла хотин-қизлар кўмитаси раиси.

ча таълим муассасаси, оқова сув ташкилоти, ГЭС лар билан ҳамкорликда маҳалламиз ободлиги учун бир қатор хайрли ишларни амалга оширмоқдамиз.

Маҳаллада бўладиган байрам тантаналарида, оммавий-маданий тадбирларда, уч авлод учрашувларида ёки тозалик ва ободонлаштириш мақсадида

ўтказиладиган шанбаликларда мактаб жамоаси билан маҳалла фаоллари катта бир оиланинг аъзоларидек, ўзаро аҳиллик билан иш қўрадилар.

Маҳалла ободлиги, оилалар тинчлиги, фарзандларимизнинг бахту камоли учун барча куч-ғайратимизни яямая, ҳиссамизни қўшаётганимиздан бахтиёрмиз.



Дилором МЕКЕМБАЕВА - "Адолат" маҳалласи қошидаги "Аланга" клуби раҳбари.

Клубимизда 4 та гуруҳ мавжуд бўлиб унда 47 нафар қизлар бичиш-тикиш хунарини ўрганишмоқда. Ҳар машғулот бошладиган ол-

Дилобар АСКАРОВА - Чирчиқ шаҳар 1-сонли ўқувчилар ижодий маркази қошидаги "Бекажон" клуби аъзоси.


- Болалигимдан тикувчилик касбига ҳавас қиламан. Оруларим мана шу марказ қошидаги тўғарақда рўёбга ошяпти. Ҳозирда мен асосан бисер тикиш билан шуғулланаман. Тикаётган турли-туман тақинчоқ, зебу зийнат, дўппи, сумкача, калит соладиган мосламаларим кўпчиликка маъқул бўляпти. Мен бундан жуда хурсанд бўламан ва тикаётган нарсамга албатта бирор янглик киритишга, ранглардан тўғри фойдаланишга ҳаракат қиламан.

60 дан ошқ кизларимиз мактабдан бўли пайтларда мана шу марказга қатнаб, турли касб сир-асорларини ўрганишмоқда. Бу юмушларни ўрганиш учун марказимизда барча қўлайликлар мав-

дин 15 дақиқа қизларнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши тўғрисида ибратли мисоллар ёрдамида тарбия соатини ўтказамиз.

Қизларимиз тикаётган кийимлар, чизилган расм устига бисер тикишлари, кўрпа-тўшак қавишлари кўпчиликка манзур бўлмоқда. Улар тайёрлаган маҳсулотларни кўрғазма шаклида аҳолига таништириб боришимиз ёшлар ўртасида кизкиш уйғотиб, сафимиз янада кенгаймоқда. Ҳатто кизларимизнинг ишларига қизиққанлар уларни келин қилиш орзусига ҳам тушиб қолишган.

Ижодий марказимиз ва клубимиз фаолиятидаги муаммоларни маҳалла ва шаҳар хотин-қизлари кўмағида бартараф этмоқдамиз.



жуд. Устозларимиз нафақат касбий билимлар, балки одоб-ахлоқ, уй-рўзғор тутишда лозим бўладиган билимларни ҳам ўргатишаётди.

Хулқар ҲОТАМБОЕВА тайёрлади.



Ушбу саҳифа Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Аxbорот агентликларини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. Лойиҳа номи: «Оналик ва болалик муаммолари, Хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини ошириш, оиладаги ўзаро муносабатлар»

VIII. Ақлли хотин

Гуландом қиз бола чоғидаёқ кўчасида "ақлли қиз", келин бўлиб тушган маҳалласида "ақлли келин", уч боланинг онаси бўлиб, қадди-басти тарози босадиган даражада ўзини куйворгач, "ақлли хотин" деган мақтов номларга сазовор бўлиб келди. Хўш, қўни-қўшиллар, таниш-билишлар баъзан ҳавас, баъзан ҳасад билан қарайдиган бу шарафли номга эришиш ўз-ўзидан бўлдимми? Йўқ, албатта. Бунинг учун у аввало ўқиган-эшитганларини, кўрган кузатган нарсаларини болалигидан бошлаб миёсига куйиб, ўз мувоҳадасидан ўтказиб юрди. Қизлик даврада эсини таниб қолгач қизларга хос, қизларга алоқадор, қизларга тегишли гапларни қулоғида олиб қолди. Келин бўлганида келинлар ҳаётига оид, улғайиб хотин бўлиб қолганида хотинларга доир ҳикматларни, манзур бўларли иш-юмушларни ўзлаштириб борди. Яхши одамлардан яхшилиқни, ақлли аёллардан ақлини ўрганишга, уларнинг моҳиятини тушунишга ҳаракат қилди. Доно, зукко катта-кичик аёлларнинг давралида бўлди, суҳбатларида иштирок этди. Уларга эргашди, улардан маслаҳатлар олди ва ўз ҳаётига татбиқ қилди. У қулоғидан кирган панд-насихатларни бу кулоғидан чиқариб юборгани йўқ...

Мана, еттиёт бегона авлодларга келин бўлиб тушибдики, чиройли ахлоқини, гўзал хулқини, маъноли гап-сўзини куймади. Тўғри, ҳамма ёшларники сингарининг ҳаёти ҳам гоҳ силлиқ, гоҳида гадир-будир бўлиб кечди. Силлиқ даврларда эр-хотин тинч-тотув, асал-қанд бўлиб яшаган бўлсалар, гадир-будир пайтларда Гуландомга қийин бўлди. Кўп оғриқликларни, аччиқ-чучук гапларни ютиб кетишга тўғри келди. Эри-Сатторбек фақат ишини билар эди. Маишатга берилган эди. Оиласи билан, ўғиллари билан айтарли иши бўлмас эди. Ҳатто фарзандларидан бирортаси бетоб бўлиб қолганда ҳам юраги ачишиб "тузукмисан" деб қўйишни билмас эди. "Онаси ўзи врач, ўзи даволайди" дерди-да, қурилишига эрта кетиб, кеч келишини куймас эди...

Гуландом шунақа эркаклар бўлишини биларди. Шу сабабдан бўлса керак, танмаҳрамидан кўпма ҳафа бўлмасди. Гина-қудуратга бориб, қовоқ-тумшук қилмасди, ҳеч кимга ҳеч нарса сездирмай кундалик ош-овқатини, иш-юмушларини қилиб кетаверар эди. Болалари тарбияси билан ҳам асосан ўзи шугулланар эди. Шундай пайтларда эри баъзан ўзига келиб қоларди чоғи, хотинини юпатиб, ардоқлаб, узр сўраб қўяр эди. Гуландомнинг кўнгли эса тоғдай кўтарилиб ўзи яхши кўрган эрига меҳри товланиб кетарди. "Шунга ҳам шукур" дер эди у қувонгандан-қувониб. - "Мана-эркалашни ҳам, ширин муомала қилишни ҳам биладилар-ку. Нима қилдим жар-хаша қилиб, кўнглиларини ранжитибди. Ахир улар эркак киши бўлсалар. Кўчада, ишда яхши-ёмон одамлар билан юрсалар, диққатлари ошиб келсалар, меники ортиқчалик қилади-да! Мен бунинг аёллари сифатида тушунишим керак. Ер ёрилиб кетаётгани йўқ-ку.

Баъзи хотинларга ўхшаб ўз роҳатимни, ўз тинчимни ўйлаб ҳар нарсани талаб қилаверганимдан нима фойда?"- дерди. Ўзига далда берарди. Ахир эрим эсини еб, ақл-хушини йўқотганлардан эмас-ку"- дерди, яна ўзини босиб қўярди. "Ота-онамининг гапларини эшитиб турибман. Ҳар насихатларида: "Кўвём ёмон эмас. Шукур қил, қизим", деганларидеган. Ўзим уйдалик пайтимда шохид бўлар эдим-ку, турмушга чиқиб кетган Муқаддам отамлар уйга келар-келмас: "Уйингга кета қол, қизим. Турмуш ўртоғинг, қайин опанг, қайин отанг ҳозир ёлғиз қолишди. Улар сенга анча-мунча ўрганиб қолишган. Сенсиз уйлари, ҳовлилари хувиллаб қолгандир. Келинлар уйда бирпас бўлмасам ҳаммаёқ хувиллаб қолади. Келин, дегани ҳовли-жой фа-

ҳам айтилган гаплар экан. Нима қилайлик-ки, бу гапларда жон бор. Ўзбекона урфимиз, ҳаёт тарзимиз шуни тақозо қилади. Демакки, беҳудага ҳафа бўлишди, гина-қудуратга боришни четга йиғштириб қўйиб турмушимни, оиламни чиройли бўлиши учун бор ақл-заковатимни, куч-қувватимни сарф қилай. Ёс-тиқдошимнинг кўнглини олишининг, қайин онам ва қайин отамнинг хизматини қилиб юришининг ташвишини қилай..." "Келиннинг феъл-атвори, гап-сўзлари, қилмишлари, ош-овқати, инсоний муносабатлари, ҳатто, борди-келди ишлари-ю, меҳмон кутиб, меҳмонга боришлари худди ота-онасиникидай бўлади. Ота-онаси дастурхонли бўлса, лозимандали бўлса, келин ҳам шундай бўлади", деб оймилар насихат қилганлар-ку. Буни

гапи тўғри. Шундай қилинса, пул, мулк муаммоси юзага келмайди. "Сеники-меники", деган гап-сўзга ўрин қолмайди. "Пуллариңни нима қилаясан", деган савол ҳам, шубҳа ҳам туғилмайди: - Яхши. Мен фалончилар шунақа қилади, деб эшитган эдим-да,- деди ва дарҳол Гуландомнинг маслаҳатларига рози бўлди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас, шундай ҳолат етиб келди-ки, эрнинг пулини хотин, хотиннинг пулини эр сўраб-сориштирмайдиган бўлди. Нима олсалар бамаслаҳат олдилар, нима қилсалар маслаҳатлашиб қилдилар. Кўп ўтмай, ўрталарида муқаддам аталмиш "Ишонч" юзага келди. Эр-хотин муносабати яна ҳам жипслашиб борди...

Кунларнинг биринида Гуландом автобусда ёнидаги нота-ниш бир йигит билан, эри наздида, гаплашиб келаётгандай бўлган эди, Сатторбек кўриб қолди-ю, фиғони чиқиб кетди. Шу дамга қадар бирон марта ҳам қизганиш нималигини билмай келган эр бу "суҳбат"га ханг-манг бўлиб қолди. "Ия, менинг хотиним бегона эркаклар билан ош-қатиқ бўлиб юрар экан-у, мен галварас хаёлимга ҳам келтирмас эканман-да,- деди. Ўзича راشки кўриб. - Мана, нима учун мени уч-тўрт кундан бери ўзига яқинлаштирмаган экан",- деган хаёлга кетди. Уйга келишгач сўроқ бошланди, бақирди, сўқинди. Рашқ ақлини енгади, деганлари рост. Тарсаки қўйиб юборишига оёқ қолди. Гуландом мулозимлик билан, аммо жиддий оҳангда:

-Бекорга рашқ қиялп-сиз, бегим. Мен у одам билан ўша ўрин-диқда тасодифан ўтириб қолдим. Соат сўраган эди, жавоб қилдим, холос. Шуни айтиб қўяйки, бизнинг уругимиздан "ёмон аёл" чиққан эмас. Бир пайтлар раҳматли бувижоним: "Аллоҳ таолога шукур-ки, авлодимиздаги аёлларнинг мижози совуқми ёки қони тозами биздан эркакларидек суяқ оёқ хотин чиққан эмас. Битта эрни кўрдим, бошқасига қиё боқмайди"- деган эдилар. Мендан ҳам кўнглингиз тўқ бўлсин! Битта сизнинг ўзингиз етиб ортасиз, ишонинг ва хар хил ўринсиз хаёлларга бориб ўзингизни ўтга солиб юрманг",- деди қўша қилиб. Сатторбек эса хотинини тушунгандай бўлди. Бироз уялиб ҳам қолди. Аммо хотинига сир бўй бермай кўчага чиқиб кетди... Кўша қаришининг фалсафасини қаранг...

Азизжон ҚОСИМОВ

ЭР-ХОТИНЛАР



ТОИФАСИ

риштаси бўлади-я, қизим. У уйда бир нафас кўринмай қолса, уйдагилар бир нарсани йўқотгандай бўлади. Ўғил ишда, кўчада узоқ қолиб кетса, унча билинмайди. Аммо келин кўринмай қолса, ўрни дарров билинади... Аччиқ бўлса ҳам, қаттиқ ботса ҳам айтиб қўя қолай, кўнглингни биздан уз. Кўнглингни ҳам, меҳрингни ҳам ўша қайнонангга, ўша қайнотангга, ёстикдошингга бер. Яқиндагина телевизорда бир онаизор: "Қизим узатилган уйдан меникига келганида илгаригидай уни бағримга қаттиқ боса олмайман. Ҳарини мендан олиб қайнона-насига берсин, дейман. Чунки, бундан буён унинг онаси ҳам, отаси ҳам улар", деганини эшитиб қолдим. Тўппа-тўғри. Мен сени ўстирдим, қўлимдан келганича тарбия бердим, балоғатга етказдим. Қиз бола бировнинг хасми деганда, бировнинг қизи, деган маъно бор. Сени уларга фақат узатдим эмас, икки қўллаб, мол-мулк билан бахонидил бериб юбордим. Сени улар ўз қизлари қилиб қабул қилишди, уй-жой беришди, ували-жували қилишди. Бас, сен уларнинг қизисан, фарзандисан. Хизмат қилсанг ҳам, яйраб-яшнаб юрсанг ҳам ўшаларникисан. Меникига келсанг, меҳмон бўлиб кетсан. Тушундингми опоқ қизим? Баракалла, шунақа бўлсин. Ўзинг ақлли қизимсан-ку. Мен ўзим ҳам келинлигимда шунақа бўлганман. Ўзимизнинг қариндош-уруғларимиздан узоқлашиб, уларнинг уруғ-аймоқларига қўшилиб кетганман. Аллоҳга шуқри, ёмон бўлмадим. Алам-ли кунларимда дод солганим йўқ, бахтиёр йилларимда талтайиб кетганим ҳам йўқ. Жон қизим, кета қол", деб қистар эдилар. Энди билсам, бу гаплар менга

бир лаҳза ҳам нутиб қўймаслигим керак. Айрим келин ва ота-оналар бундан мустасно бўлсалар ҳам...

Гуландом биринчи маош олганида бир сўмини ҳам ўзига сарф қилмай эри-Сатторбекка олиб келиб берди. Шунда эри: "Йўқ, пулинг менга керак эмас. Ўзинг ишлатавер",- деди. Эри эса маошини Гуландомга кўрсатмаган ҳам эди. Гуландом: - Бегим, "менинг пулим", "сизнинг пулингиз", деб юрамизми? Хўп, десангиз толган-тутганимиз пул бўладими, мол-мулк бўладими, ўртада бўлсин, бир ерда турсин. У оиламизнинг пули, мулки, жамғармаси бўлсин. Мен ишлатсам, сиздан сўрамасдан ишлатмайман. Нима олсам сиз билан бамаслаҳат оламан. Шу яхши эмасми?- деди, юмшоқлик билан. Сатторбек ўйлаб қараса, хотинининг

Биз ўзбекларда қиз узатилгач, бахтли бўлишини тилаш билан бирга қайнонасига инсоф сўраймиз. Худди қайнонасининг феъл-иға қараб оила тузиладигандек. Аммо хонадон соҳиб-и қайнота ҳам оилада ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини кўпинча унутамиз. Фикрининг далили сифатида бир неча мисолни келтираман. Маҳалла фаолларидан бири бўлганим боис, қўни-қўшиллар маслаҳат сўраб, турли мурожаат билан олдимга чиқиб туришидади. Кўчамизнинг охиридаги турадиган бир йигит эрта тонгда қақчириб қолди. Кўзлари қизарган. Туни билан миқжа қоқмабди. Боиси - отаси

ҚАЙНОТА - ОИЛА КАПИТАНИ

кечкурун келин қилган овқатни ичмай, уни овқат қилишни билмаслиқда айблаган, келин ҳафа бўлиб, уйига кетиб қолибди. Йигит аёлида айб йўқлигини билса-да, отасига бир нима дедя олмаган. Икки ўт орасида қоврилиб, тонгда менинг ёнимга шошилган. Йигитга таскин бердим. Аёлини кўнглини кўтариб, уйга олиб келишини маслаҳат бердим. Отасига овқатнинг ёқмаганлиги бошқа сабабдан эди. Ўша кун ота чойхонада қуюқ-суқудан сўнг роҳатланиб, кекири уйга келган. Албатта, тўқ одамга ҳар қандай овқат ҳам

бемаза туюлади. Мана, азизлар бир қайнотанинг енгил-елпи муомаласидан оила қанчалик азоб тортиди! Агар ота ўша кунни қорни тўқлигини айтиб, келинни дуо қилиб қўя қолганида уйда қанчалик хотиржамлик бўларди. Оталаримиз аввало бунинг тушуноқлари лозим. Келин тушириш тараддудида юрган эдим. Божам: "Келиннинг исмини биласизми?" - деб сўраб қолди. Мен бу саволнинг тағида бир маъно борлигини сезиб, индамай турдим. Божам: "Келиннинг исми - жоним болам, - деди. - Бугундан бошлаб унга мурожаат қилганингиз-

да фақат "жоним болам", дейсиз. Шунда уйингизда тинчлик, хотиржамлик бўлади", - деди. Кўзим ярқ этиб очилгандек бўлди. Божамнинг икки келинни тонгдан шомгача тинмай меҳнат қилишида. Ҳатто уйга боришга ҳам кўпда безовта қилаверишмайди. Худди давлат ичидидаги давлатдек, аҳил-тотув яшашида. Бунинг боиси - қайнотанинг келинларига бўлган илиқ муносабатида эканлиги энди менга маълум бўлди. Ҳа, азизлар, қайнота қайиндек тўғри, отадек меҳрибон бўлиши лозим экан. Агар майда гап бўлмай, ҳамма нарсасга арала-

Шахсий фикр

шавермай, савлат-салобат билан, ақл билан оиласини бошқарса, албатта бу оила кема-си бўрон ва довуларга тўла бўлган ҳаёт умумидан манзил томон сузиб ўтади. Агар кема капитани ақли ва эпчил бўлмаса кема довуларда парчаланиб, денгиз қаърига фарқ бўлади. Ва албатта капитан ҳам омон қолмайди. Шундай экан оилаларимиз янада мустаҳкам бўлиши учун қайноталаримиз фикрли, мулоҳазали ҳамда ғамхўр ва меҳрибон бўлишлари керак. **Ҳамдам ТҮЙЧИЕВ, Олий тоифали ўқитувчи.**

- Тошкент шахридан кўнги-роқ қилаяпман. Исми Ифода. Турмушга чиқганимга тўрт йил бўлди. Бир кизалогим бор. Лекин яшашдан чарчаганман, - майин овозда сўз бошлади аёл.

- Нега бундай дейсиз? Хали жуда ёшга ўхшайсиз-ку?

- Мен бадавлат хонадоннинг тўрт ўғил орасидаги ўсган ёлғиз киз эдим. Институтда бир

- Шундай қилиб, Анвар акам ўша йигит билан жанжаллашиб қолиб, у йигитнинг онаси мени: Карикиз экан, ўзимиз айнаиб кетдик. Бизга маъқул келмади", - деганмиш. Бу гап маҳалласига ҳам тарқалибди. Анвар акамнинг онаси мен ҳақимда эшитибди. Ўглини мендан айнита бошлабди. Онаси: "У сен билан тенг экан-ку, агар бир-икки ёш кичик бўлганида ҳам келин қилардим. Хотин киши тез қарийди.

ранжитиб, унга наштар санчган эди-да. Унинг ўғли менга ёқмаслигини ҳаммага эшиттириб, турмушга чиқдим. Турмуш ўртоғим роса рашкчи чиқди. Яхшики, унча пардоз қилмайман, табиий чиройлиман. Бир фарзанд кўрганамиздан сўнг кўчага ҳам чиқармай қўйди. Бунга ҳам кўндим. Лекин кейинчалик ура бошлади. Калтақдан тана моматалоқ бўлиб кетарди. Болам уч ёшга тўлганда, ишга

- Фарзанднинг ота-онаси орасидаги можароларни муҳокама қилишга ҳаққи йўқдир. Лекин можаролар биз фарзандлар тақдирига ҳам дахл қилса-нима қилиш керак, қандай йўл тутиш керак, шу ҳақда маслаҳатлашмоқчийдим, сизлар билан, - дея сўз бошлади ёшгина қиз.

- Марҳамат, биз ҳам суҳбатга тайёرمىз, - дедим мен.

- Мен оилада бешинчи фарзандман. Хали турмушга чиқмаганман. Отам бизга шунчалик меҳрибон, жонқуяр эдиларки, улар билан фахрланар эдим. Ота-онам ўртасига бир аёл аралашди-ю, оиламиздан файзроҳат, фаровонлик кетди. Авжи турмушга чиқадиган вақтимда бу можаролар мени келажак ҳақида бошқачароқ ўйлашга ундади. Онам шу пайтгача отамнинг сўзларини икки қилмасдилар. Авваллари мен ҳам ўз севгилим билан худди

"ота" дермикин? Бизчалик отамни севармикан, умуман "ота" деб тан олармикан? Шунча йиллик турмушини, болақирга ҳам дахл қилса-нима ишталикни қадрига етмаган отам бегона болаларга ўз отасидек меҳрибонлик кўрсата олармиканлар? Моддий таъминлар, лекин уларнинг мажруҳ кўнглини ўз отасидек тўлдиролармиканлар? Хурматли катталар, нима, биз сизларга қалби йўқ кўнглимизми? Билсангиз, бизнинг мураккаб қалбимиз сизникидан ҳам нозик. Отаси йўқ, онаси йўқ фарзандлар, етимхоналардаги болалар билан дилдан гаплашиб кўринг, уларнинг кўнгли катталарга нафратга, ишонсизликка тўла. Бундай оилаларни бузадиган аёллар нега аёллигини, назокатини, гуноҳни унутаркин? Бировнинг эри,

ТЕНГ-ТЕНГИ БИЛАН

ДЕБ...

йигитни қаттиқ севиб қолдим. Исми Анвар эди. У тиббиёт институтида ўқирди. У аълочи, менга ҳам ўқишда ёрдам бериб турарди.

Иккимиз ҳам тақдиримиз бир бўлишига ишониб қолган эканмиз. Аммо... Уйлаганларимиз сароб бўлиб қолди.

- Нима бўлганди ўзи?

- Уйимизга ҳар кун совиқлар келарди. Кунларнинг бирида менга нотаниш йигитдан совчи келди. Совчиларга рад жавобини беришларини айтдим. Аммо улар кун ора келавериб жонга тегиб кетишди. Охири отам: «Бориб суриштириб кўрамиз. Тақдирлари қўшилган бўлса, оиласи дуруст бўлса, ўйлаб кўрамиз», - деди.

- Бориб суриштириш-дими?

- Ҳа, ёмон йигит эмасмиш. Дўкони бор экан. Ота-онаси ҳам бир умр дўкonda ишлаган экан. Лекин оиласидан ҳеч ким институтда ўқимаган экан. Шундан сўнг отам бу совчиларга узил-кесил рад жавобини бериб юборди. Орадан бир неча кун ўтгач, Анвар акам менга бир гап айтиб қолди. Бу гапни эшитиб музлаб кетгандек бўлдим.

- Нима гап экан?

- Маълум бўлишича, менга совчи юборган йигитлар Анвар акамнинг қўшинлари экан. Анвар акам қўшни йигитнинг менга совчи юборганидан газабда эди.

- Бизни бир-икки марта бирга кўрган экан. Сиз ёқиб қолибсиз, сўраб-суриштириб уйингизни ҳам топиб олибди, номард, - деди ҳақ билан.

- Кейин-чи?



Шуни унутмагин", - дебди. Бу гапни Анвар акам минг истиҳола билан менга айтиб берди. Шу кундан бошлаб мен ҳам ўзгардим. Ўз-ўзимни Анвар акамдан кечигга кўндирдим. Бу орада нотаниш бир йигитдан совчи келиб қолди. Онамни хайратда қолдириб: "Бу йигитни танийман. У билан гаплашаман. Шунга рози бўласизлар", - дея тўриб олдим. Мен таваккал қилаётгандим. Кейин учрашувга чиқдим. Келишгангина йигит экан. Менга маъқул бўлди. Бу вақтга келиб Анвар акамни ҳам унаштириб қўйишганини эшитдим. Тўйдан бир кун олдин сочларини турмакларга борганимда йўлда Анвар акамга дуч келиб қолдим. Унинг кайфи бор эди. "Сен бевафалик қилдинг, Ифода, хали жазоингни оласан. Унда кеч бўлади", - деди чайқала-чайқала.

- Севмаган йигитга турмушга чиқдингизми?

- Бошқа иложим йўқ эди. Анвар акамнинг онаси дилимни

чиқиб кетдим. Эрим ҳам кўнгандек бўлди. Лекин, биласизми, Анвар акамни кўргим келар, унга дардларимни айтгим келарди. Бир кун уйда навбатдаги жанжал бўлди. Эртасига ишдан сўнг уйга тез қайтгим келмади. Ҳар кун кесиб ўтадиган хиёбонда скамейкага чўкиб, ўй суриб ўтирдим.

- Салом, Ифодахон, - деган таниш овоздан чўчиб тушдим. Рўпарамда Анвар акам жилмайиб турибди. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Кейин у мен билан хайрлашиб учун кўп излаганини айтди.

- Нега излагдингиз? - дедим хайрон бўлиб.

- Хорижга кетаяпман. Беш йилга шартнома тузганман. Хотиним билан ўғлимни ҳам олиб кетаяпман. Ҳар қалай ёмон яшасам ҳам кўнглимдан сизни сира ўчира олмадим. Ҳамон сизни севаман. Лекин энди иккимизнинг ҳам оиламиз бор. Сиз бундай қилмаганингизда онамни барибир кўндирган бўлардим.

У билан узок гаплашиб ўтиришни истасам-да, бироз ўтиргач тезда кетиб қолдим. Ўша бир оғиз айтилган гап мени Анвар акамдан умрбор айирганди... Энди уни унута олмасам қандай яшайман? - Гўшакдаги овоз тинди. Ўрнига узун-узун гудок эшитила бошлади.

Ифода! Ҳаётингиз ёмон эмас. Оила деган муқаддас ўғлини азиз тутинг, фарзандиңиз келаганини ўша олис севгингиздан-да, баландроқ тутинг!

Сиз нима дейсиз, азиз мухлис?

ГУЛБАШАКАР

Кўнгироқларингиз...

БИЗ СИЗЛАР БИЛАН ФАХРЛАНАЙЛИК!

ота-онамдек бир-биримизни тушуниб яшай олармиканмиз, онамдек уй бекаси бўла олармиканман, - деб ўйлардим. Отамнинг хиёнатни ошқор бўлгач, барча ўйлаганларим сароб бўлди. Онамни ўйласам юрагим эзилиб кетади. Ахир онамда нима айб, айблари турмушларини сақлаб қолиш-у, биз фарзандларни уйли-жойли қилишни ўйлаганларими? Тўғри, отам бизни ташлаб кетганлари йўқ. Лекин бизга бўлган аввалги меҳр-муҳаббатти йўқ. Онам эса кундан кунга сўлиб бораётган. Бизга, укаларимга болалигимиздан эртаклар, аллалар айтиб берардилар. Бизнинг муаммоларимиз ҳақида эринмай соатлаб суҳбатлашардилар. Мен ҳам онамдан ҳеч нарса яширмадим. Чунки мени доим тўғри тушуниб, тўғри маслаҳатлар берардилар. Ҳозир эса совуқкон, руҳан эзилган, одамови бўлиб қолганлар. Мени яна онамнинг соғлиқлари ташвишлантираёпти. Уйимиздаги аввалги тотувликни кўмсаб яшайман. Ўзим ёш бўлсам ҳам, назаримда яна 5-10 ёшга улгайиб қолгандекман. Баъзи нарсалар ўйлангича бўлади. У аёлга нима керак? Икки фарзанди бор. Оилани эркакни йўлдан уриш ўрнига болаларининг тақдирини ўйласа бўлмайди? Оний лаззатлар деб биз-ку майли бегонамиз, ўз болаларига раҳми келса бўлмайди? Борди-ю отам бизни ташлаб улар билан яшасалар, болалар бегонани

биронинг отасини йўлдан уриб, кўп йиллик "оила" аталмиш муқаддас даргоҳни вайрон қилишга нима ҳаққи бор. Ҳадисларда ҳам "чумолининг ҳам инини бузиш гуноҳ", деган-ку.

"Эрак кишининг уйдан бешига хотини сабаб", дейишди. Лекин менинг онам юмшоқ табиатли, пазанда, ширин сўзга аёл. Онам бизни деб бу воқеалар ҳақида ҳеч кимга оғиз ҳам очмадилар. Нима, онамда юрак, қалб, гурур йўқми? Ҳурматли ота-оналар, биз фарзандлар сизнинг зурбидингиз, наслингиз давомчисимиз. Сизнинг ноҳўя ишларингиз авлодлар занжирига пуғтур етказмасин. Биз сиздан фахрланиб, яхши фазилатларингизни неварга, эвараларингизга қолдирайлик. Ахир, умримиз тугаса ҳам, ҳаёт давом этaveraди-ку.

Уша, отамни йўлдан урган у каби аёлларга эса айтар сизим: "Ал қасосу минал ҳақ". Биз фарзандларнинг кўз ёшлари, изтироби, онамизнинг қарғишлари сизни тинч қўймас. Бу дунёда бўлмаса ҳам охирадда Аллоҳ сизни жазосиз қўймайди...

Қиз телефон кўнгироғи орқали бизга нима деган бўлса, барчасини сизнинг ҳукмингизга ҳавола эдингиз, азиз газетхон! Бу борада фикрларингиз бўлса, ёзиб юборасиз, деган умиддамиз.

НОДИРА ёзиб олди.

ВИЖДОН АЗОБИ ОФИР ЭКАН...

- Ҳаёт деганлари жуда мураккаб экан, - дея гап бошлади кўнгироқ қилаётган аёл. - Ҳаётда ўйламаган ишлар, ташвишлар содир бўлар экан. Аммо ҳаммасидан ҳам ёмони - виждон азоби қошида яқмама-яқма қолиш экан. Дардингни ҳеч кимга айтолмайсан, итқитиб ташлолмайсан... Айтсанг, шармандаи шармисор бўласан...

- Нима сизни қийнапти, синглим?

- Яхши гап илонни инидан чиқаради, деган нақл бор халқимизда. Турмуш ўртоғим яхши гапириб, бўлар бўлмасга сўкиниб, дил оғрик гаплар қилганида эди... Балки, ўша йўлга

қадам қўймаган, адашмаган, бугун виждон азобида қолмаган бўлардим...

Кунларнинг бирида дугонам билан "пулли бойваччаларга" бордим. Шу кунни танишув кечаси бўлди. Дастурхонда ҳамма нарса муҳайё - қимматбахо ичимликлар, ширинликлар, палов, кабоб... Ширинсўз акалар биздан 20-23 ёшга катта эди. Уларда чет эл машинаси, 4-5 та уйи, дачалар дейсизми, ҳаммаси бор эди. Бизларни кўярга жой топпмай, шундоқ ширин хушоматлар қилишардики... Бундай муносабат менга шунчалар ёқардики... Гўё мумдек оқиб кетардим. Эрим эса ҳаммаша бадқовок, "Сен аёлсан", деб бирон бор


кўнгил ҳам сўрамайди. Мен ўша ўтиришни кўмсаб, иккинчи, учинчи марта яна бордим. Камол ақанинг (мен таншган эрак) ширин гап-сўзлари, машинада хоҳлаган жойга олиб боришлари ҳар гал жуда ёқарди. Лекин уйга қайтиб келгач, қайнотам ва хўжайимин олдида виждон қийналарди. Ўзимнинг шунчалик енгилтак эканлигимдан ҳазар қилардим. Бир томондан эса эримнинг ҳам менинг устимдан юриб - фоҳишаларга борганини, мен жанжал кўтарсам, томоғимдан бўғиб, ўзимдан кетиб қолганимча қўйвормаганини, уриб-тегиб, сочларини юлганини эслаб, унга: "Мана, юриш ундоқмас, мундоқ", дегим келади. Ле-

кин орамизда бир эмас, бир-биридан ширин 3 та боламиз бор. Оилам бузилишини ҳам хоҳламайман. Нима қилишга ҳам хайронман. Кейинги пайтларда Камол ака билан учрашувга бошқа бормадим. Лекин кўрқув, виждон азоби мени тинч қўймапти. Шунинг учун ҳам бошимдан ўтган бу саргузаштлар бошқа аёлларимизга сабоқ бўлар, деган ниятда кўнгироқ қилаяпман.

Аёлларга, бойваччаларнинг пулига учиб кейин бир умр кўрқув ва виждон азобида юрманг, ундан кўра ўз оилангиз мустаҳкамлигини ўйланг, дегим келади. Эрим каби эркакларга эса, оилангизга, аёлингизга меҳрли, оқибатли бўлинг, уларнинг панохбони бўлинг, хонадонингизга ҳаром-харишни аралаштирмаг, демокчиман.

САИДА ёзиб олди.

ҒОЙИБДАН КЕЛАЖАК БАХТ БИР АФСОНА



Акс-садо

“Меҳрдан куч олиб яшанг” - 19-сон.

ЭСАЛТА: Исмиим Фарангиз. Уч нафар фарзандим бор. Ўн етти ёшда турмушга чиққан бўлсам-да, эримни кейинчалик севиб қолдим. У ёмон йигит эмасди. Меҳрибон, болааларимнинг ғамхўр отаси эди. Аммо у мени ташлаб кетди...

Муаллиф: Гулбаҳар

Хўш, хотини-чи, дерсиз? Хотини ишлаяпти. Учта девдек ўгли бор. Кенжаси ҳозир 6-синфда ўқийди. Тўнғичи эса коллежни битириб, ишлаяпти.

- Умида опа, шунча ишга қандай улғурасиз? - дейман баъзан.

- Жуда оддий, - жўнгина изох беради у. - Соат бешда турман. Бир соатда овқат пиширман. Учта сигирни соғиб, сутини қатиқ қиламан. Тўнғичим хамир қориб қўяди. Тovuқларнинг тухумини сотиб юбораман. Тушдан кейин қатиқларни сотиб бўламан. Ахир, икки ўғлим деярли талаба-бу...

Мен баъзан бошида эри бўла туриб турмуш қийинчилигидан оқ-воҳ чекаётган аёлларга Умида опани ибрат қилиб кўрсатаман. Албатта, опага осон тутмайман! 9 йилдан буён эринг хийнатини ичга ютиб, 3 ўғлини едириб, ичириб, кийинтириш- айтишга осон...

Ханузгача Умида опа ҳам собиқ эри тўғрисида на фарзандларига, на эрининг яқинларига бир оғиз ёмон гап айтмайди. Вақт ҳар қандай дарднинг давоси. Фарангиз, сиз ҳам ишланг. Дунёда алдов, хиёнат тузюга илингандар жуда-жуда кўп. Ишонинг, ҳали ҳаммаси унут бўлади.

Ф. ТОҲИРОВА

Кизим Фарангиз! “Эр бермоқ - жон бермоқ, деганлари рост экан”, деб тўғри айтасиз. Чунки сиз икки ўт орасидасиз. Кўксингиз бир парча ўт тушгандек ёнмоқда. Сизни шу ўт алангасида “куйиб” кетмасликдан сақлаб турган куч - у фарзандингиздир. Кексаларимиз ҳаётида ҳам бундай кунлар бўлган ёки ўтган. Лекин улар анча сабрли ва ўйловли бўлганлар. Улар суўқоёқ аёлларга ачиқ қилиб, болаларини оталаридан, ўзларини кўз очиб кўрган рўзгорларидан айирмай, болаларини бағирларига босиб яшайверганлар. “Очиқ қолган қозонни қайси ит яламайди?” - деган ибора жуда ҳам тўғри келтирилган. Бу гап ўз эгасини топади.

Фарангиз кизим, “қилмиш-қидирмиш” дейдилар. Ўн етти ёшнингизда шу хонадонга келин бўлиб тушиб, қайнота-қайнонанинг иззат-хурматини қозониб-сиз, уйим-жойим, эрим, фарзандларим деб, ўз касбингиз бўйича ишламай қўйибсиз. Оқибатда эрингиз сизни эмас, очик-сочиқ юрадиган аёлни ёқтириб қолибди. Нима учун “қилмиш-қидирмиш” деб айтдим? Чунки парвардигор ҳар бир бандасининг қилмишидан огоҳ. У бўйини миздаги қон томиримиздан ҳам бизга яқин.

Мен билган бир оиланинг эркаги ҳам жуда яхши ишда ишларди. Ишхонасида ҳар хил миллатдаги европача кийинган аёллар кўп эди. Аёли ва беш фарзанди борлиги баъзида эсидан чиқиб, ўша замонавий очик-сочиқ юрадиганларникида ҳафталаб, ойлаб қолиб кетарди. Аёли аввалига норозилик билдирди. “Куйди-ёнди”, афсуски

фойдаси бўлмади. Эркак боши айланиб, уйига келганида аёлини уриб, болаларини уйдан ҳайдаб чиқарди. “Сен менинг тенгим эмассан! Болаларингни олиб, бу уйдан йўқол!” - деб кўчага ҳайдарди. Аёли бечора болаларини етаклаганча қариндош-уруғлариникига йўл оларди. Уларникида яшаб туришар, оталари аёлларникига кетгач, она болаларини уйга олиб келиб яшайверарди.

Шу тарика ойлар, йиллар ўтди. Болалари улғайиб, оналарининг ёрдамчиси, суянчиги бўлдилар. Ота эса икки-уч марта уйланиб, никоҳсиз туғилган болаларнинг сонини кўпайтириб юрарди. Ёш ўтиб, куч кетиб, нафақага чиққан вақтда ўша аёлларнинг бирортасиникига сизмади. Кўчада қолган ота яна ўша кўз очиб кўрган аёли ва хонадонига қайтиб келди. Аёли ва болалари гап-сўзсиз қабул қилишди.

Мана неча йилдирки, шу отанинг икки кўзи кўр бўлган. Хотини ва болалари оқ ювиб, оқ тарашди.

Фарангиз кизим, эрингиз ҳам инсофга келар, азиз болаларини ва сизни хорлатиб қўймас. Сиз сабрли бўлинг. Рўзгорингизни болаларингизни мустаҳкам қалъада сақланг. Сиз болаларингизга кераксиз. Болаларингизни мактаб, боғчага топшириб ишга кириш. Қайнота-қайнонанингизнинг хизматида бўлинг. Отасининг болаларига меҳри бўлса, у қайтиб келади. Болаларга ота меҳри керак!

Адолат РАҲИМОВА,
Қарши тумани.

Мақолани ўқидиму, ҳамкасбим Умида опа кўз олдимдан ўта бошлади. Умида опа институтни битириб, қишлоққа қайтади. Тўнғич фарзанд эмасми, ўздан кейин буй етиб турган икки ука ва сингилнинг олдини “боғлаш”ни истамайди. Шунинг учун ўқимаган бўлса-да, Зокирдан келган совчиларга розилик беради. Зокир оқ-сарикдан келган,

тўнғ, қайсар йигит эди. Уйлангач, ота-она, хотин амаллашиб ҳайдовчиликка ўқитиб олишди. Ийиллар ўтиб, уч ўғиллик бўлишди. Ота-она катта ўғилни алоҳида уй қуриб бўлак чиқаради. Тўнғичи 7-синфда, кичиги уч ёшдалигида Зокир енгил ҳаёт кўчасига кириб қолади. Вақт ўтиши билан эса ўздан ёшроқ бир аёлга уйланиб олгани, ҳатто фарзандиям борлиги аён бўлади!

“Укамнинг тақдирини туфайли...” - 26-сон.

ЭСАЛТА: Укам бир марта уйланиб ажрашгани учун қапқини ҳам пуфлаб ичадиган бўлиб қолган эдик. Кейин танаб-танаб бир ўқимшиш одамнинг қизини келин қилдик. Аммо шиканчи фарзанди туғилиши арафасида у ҳам уриш қилиб убаан кетиб қолади. Муаллиф: М. Шукурова.

узатилаётганда борган жойингизда тош қот, деб дуо қилинади. Қиз-келин борган жойида сингишиб кетиш учун ҳар қандай макри бўлса ишлатиши даркор.

Бизда йигит-қизларни ҳали оила қуришга тайёр бўлмасдан уйлантириш, узатиш ва тезроқ фарзандли бўлишига эришиш тадориги кўрилади. Хорижда ёши ўттиздан ошган йигит ва қизлар оила қуриш ҳаракатига тушадилар. Улар ақлан баркамол, моддий таъминланган. Тўйдан сўнг

ИШҚ КЎПРИГИ ИШОНЧДИР

“Тегиримондан бутун чиққан вафосиз эрим” - 17-сон.

ЭСАЛТА: Эрим билан ҳаётимиз ширингина ўтаётгани. Эримни синаш учун бир қизнинг номидан унга севги хати ёзиб, учрашувга тақабил қилдим. У келди. Менинг эса кўнглим ажот бўлди. Муаллиф: Х. Ҳотамбоева

ҲАР КИМ ЎЗ ГАЗИДА ЎЛЧАЙДИ

Оила - муқаддас кўрган. Уни сақлаш, мустаҳкамлигини таъминлаш ҳам хайрли ишлардандир. Бу ерда авлодлар дунёга келади, тарбия топиб, камолга етади. Унинг қандай тарбия топганини киз бўлса турмушга чиққандан кейин, йигит бўлса уйлангандан сўнг намён бўлади. Тахририятга кўнгирак қилган аёлнинг айтганлари, саволларга жавобларидан аён бўлмоқдаки, укаси ориятли, оқибатли, ўқимшили, тарбия кўрган инсон. Опанинг куйинишидан миллий менталитетимиздан, шариат юзасидан ҳам оилани сақлаб қолиш учун уриниш бўлмоқда. Бу яхши, Оллоҳга ҳам хуш ёқади.

Бу тирик дунё, адашадиган, хато қилинадиган, уни тазатадиган, тавба қиладиган дунё. Адашаверимиз, алданаверимиз, тўғри йўлни излайверамиз. Оиланинг ўқ томири - аёл. Қиз келин бўлиб тушган хонадонига мустаҳкам илдиш отишга интилиши лозим. Шунинг учун ҳам қиз фарзанд кўришга бир йилгача руҳсат этилмайди. Йигит ва қизнинг бир-бирига мослашиши ёки тўғри келмаслиги синови учун бир имконият экан. Баъзи хотинлар калта уйлашади. “Эрга тегиб олдим. Бир ё икки болам бор. Ажралиб кетсам, бир кунимни кўриб оларман. Эримдан алимент ундирарман. Уй даъво қиламан...” Мана шундай фикрлар билан оила, хотинлик, оналик масъулиятини унутадилар. Катта бир олимнинг оиласидагилар газета ўқишмаса, китоб мутулаа қилишмаса, ҳуқуқий, исломий билимлардан хабардор бўлмасалар, қолганлардан нимани умид қилиш мумкин? Мактаблар, коллежлар, олий ўқу юрталарида, маҳаллаларда ўтказиладиган тадбирларда кишиларни ўқишга даъват этмоқ керак. Баҳслар, мунозаралар уюштириш зарур.

КЎКЎРФОНИЙ

Гулмирахон, “Эримни хиёнат устида ушлаб олдим”, деяпсиз. Сиз ишқий хатни унга ёзиб синаб кўрмоқчи бўлдингиз. Ариқ бўйида “ошиқ” кизни қутиб ўтирганини кўриб, сиз даргазаб бўлдингиз. У хиёнат кўчасига кирди, деб шубҳага бордингиз. Балки ўша “ошиқ” (фараз қилайлик) учрашувга келса эрингиз “Иккинчи бундай бемаъни ишни қилманг, мен уйланганман, фарзандларим бор, хотинимни севаман ва унга хиёнат қилмайман, мени йўлдан урманг”, деб айтиши ҳам мумкин эди-ку. Нега доим ишинг акс томонини ўйлаймиз ва шунга ўзимизни ҳам ишонтираемиз. Гулмира, бир шеърда: **Иллат излаганга иллатдир дунё, Хикмат излаганга хикматдир дунё...** - мисраларини ўқиган эдим. Назаримда, сиз гўё иллат излаётгандек туюлдингиз. Оқибат нима бўлди? Эрингиз: “Мен хатни сен ёзганингни билган эдим”, “Эрмак бўлиб қолдимми?” деб зуғум қилди. Сиз эса ялиниб-ёлвориб кечирини сўрадингиз. Ўзингиз айтгандек орага совуқчилик тушди. Агар ўша ишқий мактубни ёзмасангиз бу нохуш ҳолат юз бермаган бўлар эди. Эрни тергайвериш, қадамини кузатавериш, орқасидан пойлайвериш яшиликка олиб келмайди. Ўзбек йигитлари ота-она олдида, ака-ука сингиллар даврасида хотинига ташқи назарда кўпда эътибор бермайди, ўзини унга бе-

фарқдек кўрсатади, улар олдида бунга бачканалик деб ўзини сипотутишга ҳаракат қиладди. Аслида ундай эмас. Баъзи аёллар бунга эрим мендан совуб кетди, менга қарамай қўйди, деб бошқача гумонларга боради. Оилам мустаҳкам бўлсин, аризмаган дилхиралликлар билан пойдевори нураб кетмасин деган аёл ўз эрига ишонч билан қарасин. Ишонч ишқпригидир. Сабрли бўлсин. Ишдан чарчаб келиб, баъзан хотинига эътибор бермаса, инжиқликларига қўл силтаб ўтса, бунга тўғри тушунишга ҳаракат қилинг. Бугун қайфияти йўқ, толиққан, кўнглига ҳеч нарса сизмаган ҳолатда бўлса, эртага руҳиятига тетиклик кирса, дили яйраб, у барибир сизни дейди. Бундай ҳолда ютуқ сабрли аёл қўлида. Бунга унутмайлик.

МУҲАББАТ ТУРБОВА

ТАБРИКЛАЙМИЗ

ТУРДИ ака, БЕРДИ ака ва АЗАМАТЖОН!

Сизларни туғилган кунингиз билан табриклайман. Сизларга тинчлик-хотиржамлик, соғлиқ ва ишларингизга ютуқлар тилайман.

Абдиназар

Ўрматли акажоним Шамсиадин ЙУЛДОШЕВ!

Таваллуа кунингиз яъни 44 ёшингиз билан чин юракдан табриклайман. Бизлар ва оилангиз бахтига соғ-саломат бўлиб, умрингиз узоқ бўлсин.

Сингаингиз Лобар.

барбод бўлиб кетишини ўйла-сам... Келинг, энди дўстлигимизни шу ерда тўхтатсак. Сиз нима дейсиз? - дедим. Орага узоқ жимлик чўкди. - Эшитаяспизми? - яна жимлик. Қарасам кўзларига ёш гилтиллаяпти. У ниҳоят секингина деди: - «Мен ёш аёлман. Кўнглимдаги одам ён-атрофимда йўқ бўлса нима қилишим керак? Умрим эса кўрксиз, файсиз ўтири кетаяпти. Сизни биринчи учратганимдаёқ, излаган одамимни топгандек бўлдим», - деди овози хирқираб. Яна жимлик... Ҳафа қилиб қўйдим, ҳа, унга қийин, ёлғизлик... Ўртада оғир вазият ҳукм сурарди. Ниҳоят: - «Мен уйдагиларга эрта қайтишга ваъда берувдим. Онамнинг туғилган кунлари эди. Майли, энди турай», - дедим хайрлашиб чиқиб кетаётгани. У индамади, хайрлашмади. Маҳбубани ёлғизлик қаърига ташлаб чиқиб кетган кунимдан буён роса бир ой ўтди. Лекин ўзим уни кўргим, у билан соатлаб гаплашгим келарди. Иродали одамман. Ҳар қандай шароитда ҳам ўзимни тутга оламан. Аммо ўшандан буён кўнглим ёлғизланиб қолгандек, атрофимни эса бўшлиқ эгаллаб олгандек. Мен бошимдан кечирган, кечираётган бу ҳолатни тушуна олмайман. Бу ҳолатни ўзимдан узоқлатмоқчи, ундан буткул фориғ бўлмоқчи истайман. Аммо бу қўлимдан келармикан? Нима дейсиз?

кўринмай кетдим. Бир вақт қайси кўз билан кўрайки, мен ишлайдиган корхонага излаб келибди. Хайриятки йўлда учрашди. Кулимсираб саломлашди: - «Бормисиз, тинчликми? Соғлигингиз яхшимми? Кўринмай, хабарлашмай кетганингиздан хавотирландим», - деди у. Бирпас гаплашдик. Боролмаганим сабабини ишларим кўпайиб кетганига йўйдим. Гўё йўқотган нар-

БАҲРОМ, Самарқанд.

Ҳаёт шундай мураккабки, манаман деганлар ҳам тушунлиқка тушиши мумкин. Дарддан тўлиб кетган кўнглини кимгадир айтиб бўшатиш керак. Уйлаб-уйлаб «Оила ва жамият» рўзномаси ўқувчиларига қалб сирларини очини маъқул кўрдим. Менинг ёшим 33 да, турмушга чиқмаганман. Ҳаётда мени ҳеч ким, ҳеч нарса қизиқтирмаган. Дунёга келган одамзод борки, нимагадир интилиб, нималариндир ниёт қилиб яшайди, лекин менда ана шундай ҳаёллар йўқ эди, сабабини ўзим ҳам билолмай хайронман. Балки кўп нарсаларни кўриб, кўп ҳаётий воқеаларни бошимдан ўтказиб шу аҳволга тушиб қолгандирман. Ўзим аҳолига хизмат қиладиган ташкилотлардан бирида ишлайман. Мен шу ишимга овуниб яшаб юрган эдим. Сиз-

да савол туғилиши мумкин - бу касалмикан ёки алданиб қолган қизмикан, деган. Йўқ, мен тўрт мучаси соғ, ҳеч қандай алданиб қолган қиз эмасман. Ҳаётимда кўпгина менга уй-

лигини, ўзи тенги ёш қизлар билан гаплашиши лозимлигини кўп тушунтирдим. Шундай вақтлар бўлдики, ўзим кетишини хоҳламан ҳам ўзим-

тим эмас, ёшим ҳам анчага бориб қолган. Ҳаётимга шу ёш йигит кириб келиб мени яшашга қизиқтириб қўйди. Неча йиллар улаб ётган одамни уйғотиб юборди. Мени бир савол

Мен шунча ёшгача яшаб, севги нималигини ҳалигача тушуниб етмагандим. Севги фақат кино, китобларда бўлади, деб ўйлардим. Севги ҳаётда ҳам бор экан. Бунга ўзим ҳам тан бердим, кеч бўлса ҳам бу туйғу менга насиб этди. Бундан жудаям хурсандман. Аммо бу савдони лекин мени жуда қийнайди. Азиз юртдошлар, сиз менга нима деб маслаҳат берасизлар? Юрагим: «Бошингга қўнган бахт қўшини учуриб юрмагин, севган кишинг билан бирга бўлгин», - дейди. Ақлим эса: «Бу ишинг яхшимас, ҳамма тенг-тенги билан бўлиши керак», - дейди. Икки ўт орасида қолган бир инсонга тўғри йўлни кўрсатинлар, илтимос!

СОЛИЯ, Термиз шаҳри.

БИР ЙИГИТГА КўНГИЛ ҚўЙДИМ-КУ...

ланмоқчи бўлган йигитларга дуч келганман, мақтанаш эмас айни шу кунларда ҳам бундай одам йўқ эмас. Лекин менинг кўнглим уларни хоҳламайди. Кунлардан бир кун, бир йигитга кўнглим тушиб қолди. Унинг ёши мендан анча кичик, яъни 25 ёшда, уйланмаган. Ҳаётда шунақаси ҳам бўларкан, худди туш кўраётган одамга ўхшайман. Мен олдинга ёшимизда фарқ катталигини, бу унинг оила аъзоларига ёқмас-

ни мажбурлаб ёмон гаплар гапириб уни ҳайдаб юбордим. У мендан жудаям қаттиқ хафа бўлди, лекин ҳеч нарсани тушунишнинг хоҳламади. Барибир уйланмоқчи. Бундан ота-онаси ҳам хабардор. Мен эса нима қилишга хайронман. Аслида ҳозир ўйлаб ўтирадиган пай-

қийнайди, уни ота-онаси ўзлари хоҳласа-хоҳламаса ўғлини менга уйлантиришади, чунки улар ўғлини кўнглига қараб иш тутишади. Лекин менга қанақа муносабатда бўлишади. Уйлаб-уйимга етолмайман. Бу қиз ёш катта бўлса ҳам ўйлаб иш қилмаяпти, - дейишлари мумкин.

ТИЛА "ҚИСИҚЛИГИ"

Файбулла қизи яшаётган хонадонга келиб қуввага ўдағайларди.

Сени ҳали урадиган кўлларингни синдириб ташлайман! Менинг ташлаб қўядиган қизим йўқ. Мен қизини калтақлатиб, хўрлатиб қўядиганлардан эмасман. Сенга хотин бўлса ҳам, менга жондан азиз фарзанд!

- Қизингизни ҳеч ким ургани йўқ!- паст келмасди кувёв. - Даъвоингиз бўлса, судга беринг, қаматинг! Яшатирмайман десангиз қизингизни олиб кетаверинг!

- Шунга шунча ваҳимами?- қўшилди кувёвнинг онаси. - Бирда-иккида жаҳл устида урган бўлса ургандир! Эрдан калтак емаган хотин хотинми? Биз ҳам вақтида калтак еганмиз. Лекин уйим, рўзгорим деб дамимизни чиқармаганмиз. Ё сизларда бунақаси бўлмаганми? Авваласи бу қизингиз қиз эмас, нақд шайтонни ўзгинаси экан. Ўғлимизни бошини айлантириб илакиштирмаганида, буни келин қилиш ажраб қилмади ҳам йўқ эди.

Файбулланнинг бутун вужудини ғазаб қамраб қуюшқондан чиқиб кетишига оз қолди. Аммо аёл билан тенг бўлишни эп кўролмай аранг тишини-тишига босди.

- Хайф сенларга келин ҳам, бола ҳам, деди алам билан.

- Юр қизим, тезроқ бу гурбатхонадан кетайлик. - Файбулла қизини бошлаб неварасини кўтариб олди.

- Кўй болам, кўп куйнаверма, далда берди она қизига. - Сен кўчада қолмангансан. Хотин керак, бола керак бўлса, келишин. Бошқа бўлиб ажраб чиқаман, деса кейин борасан.

- Қиз аламдан хўрсиниб қўйди. Орадан бир ойча ўтди. Кувёв томондан ҳеч ким йўқлаб келмади. Қиз бундан кундан-кун бетоқатланарди.

- Энди бўлди, иззатлари шунчалик, деди она. - Дадаг билан бориб юкларингни олиб келамиз.

- Ойи, деди қиз мужмалланиб, у ёғини айтолмай.

- Нима, ялчиб хушомад қилиб борасанми? - деди она асабийлашиб, қизини жеркиб. - Кейин тилинг қисқиб бўлиб ўтирасанми? Авваласи ўзингда ҳам айб бор-да! Шу эрингга бўлса ҳам ҳали унаштирилмасдан ифатингни бериб

қўйдинг. Тўйдан кейин ярим йилга ҳам бормай туғиб қўйдинг!

- Шуни энди бетимга таъна қилаверасизми? - йилмақодан бери бўлди қиз.

- Таъна қилмаяпман, - деди она хижолатлик билан. - Айтмоқчиманки, шу тил қисқилганимиз бўлмаганда мен улар билан юлишиб шармандасини чиқардим.

- Қўйинг, - деди қиз хушламай. - Фойдаси йўқ...

Шу куни кечки овқат тайёр бўлиб дастурхон ҳам ёзилдику, қиздан дарак йўқ.

- Хоналарни қараб чик, - деди Файбулла. - Сикилиб, диққати ошиб ўтиргандир. Кўникунча энди кўнглига қараймизда.

- Ўзи ҳам, боласи ҳам йўқ, - деди хотин хоналарни, уй атрафларини кўздан кечириб келиб.

- Ё кўшниларикига чикдимикин?

- Майли, бери ўтиб келчи. Хотин кўшниларикидан ҳам ноумид қайтиб келди.


- Йўқ, деди. - Лекин... - Нима лекин? - сергакланди Файбулла.

- Бир-иккита кўшнилари кувёв билан кўрган экан, - деди хотин ҳадиксираб, ўнғайсизланиб.

- Нима деяпсан? Ўйлаб гапираяпсанми? - жигибийрони чиқа бошлади Файбулла. - У ёқда энди нима қилади? Ҳар қим ҳар нарса деса лаққа тушаверасанми?

- Бу ёшларни билиб бўладими? - деди хотин эрини юмшатмоқчи бўлиб. - Сиз ўтириб туринг, мен бориб келаман. Қудасиникидан хотин бўшасан-да, кайфияти энгиллашиб қайтиб келди.

- Ўша ерда экан, - деди. - Биноийдек ўтиришибди. Қизингиз ҳам яшайман, битта болам билан сизларга юк бўламми деяпти. - Эрининг авзойи ўзгариб ҳардам хаёлликка берилётганини кўрган хотин далда берди. - Майли, қўйинг энди. Ҳали ҳеч гап ҳам бўлгани йўқ эди-ку! Шунчаки айтишиб, аразла-



шиб қолишганди холос.

- Ҳа, аҳмоқлар-а! - бош чайқайди Файбулла. - Шунчаки ниятлари бор экан, бизга учраб бир оғиз айтиб кетишмайдими? Кап-катта одамларни сарсон қилмай.

- Андиша қилишган-да! - яна вазминликка ундади хотин. - Қизингизга ҳам қайта-қайта тайинлаб келдим. Яшайман десанг одамга ўйлаб яшасан, сал нарсага аразлаб, арз қилиб бораверма деб.

Файбулла бир муддат сукутдан кейин: - Бор энди, - деди хотинига. - Овқатингни сузиб келавер. - Қайта уни кутиб совиб ҳам кетди.

Шу воқеадан уч-тўрт кун ўтиб Файбулла ошнасиз Абдурасулга ҳасратини тўкиб ўтирарди.

- Мен энди ҳаммаси тугади, ора очқ десам, у аҳмоқ қиз биздан яширинча кувёв билан учрашиб юрган экан.

- Ошна, - деди Абдурасул ачиши оҳангида. - Ўзимни уйладим, кизни чиқардим, қутулдим, энгиллашдим деганлар хато ўйлайди. То тирик экансан, ташвишини қилсан, билмаганини ўргатиб йўлга соласан. Фақат муроса билан. Таваба деб гапириб кераг-у, қиз боланинг исноди этти пуштингни номулга қолдиради. Бу қизингни турмушга қандай узатганидан хабаримиз бор. - Файбулланнинг ранги бир бўзарди-ю, ошнасининг гапини бўлма тинглашда давом этди. - Шундай экан, - давом этди Абдурасул. - Нима қилардинг ҳадеб икир-чикирларига аралашиб, дийдиёларига қулоқ солиб? Бир-икки қойиб танбех берсанг, кейинги сафар ўйлаб келади. Ҳозир сен борсан, сендан кейин кимга арз қилиб боради? Мажбур ўзини қўлга олиб яшайди. Ота-оналаримиз ўтиб кетишиди, биз яшапмизми? Улар ҳам шу-да! Қизингга қайнота-қайнонани ҳам боғлаб бергани йўқ. Қайсингиллари ҳам бир кун жойини топиб чиқиб кетишади. Истайсанми, йўқми, бу ёшдаги аёлда эркакка, эркакда аёлга мойиллик, интилиш

қучли бўлади. Ҳали ҳам қизинг эриникига ўз оёғи билан борганига хурсанд бўлавер. Агар шу мойилликни деб бошқа йўлга кириб кетганида унинг иснодини қандай кўтарардинг?

Файбулла жавоб қайтаришга ҳам холи қолмай бошини хиёл эгиб ерга, бир нуқтага тижилганча ўйга ботди. Абдурасулнинг: - Қизинг юкларини олиб кетдимми? - деган сўроғидан ўйлари бўлиниб сал ўзига келди.

- Йўқ, - деди, - юкларини энди олиб келмоқчи бўлиб турувдик.

- Ана кўрдингми? - маънодор кулимсиради Абдурасул. - Сизлар, ота-она ақлларинг етмаган нарсага қизларингни ақли етибди.

Файбулла бу сафар ҳам нима жавоб қайтаришни билмай энгил бош чайқаб қўйди.

Комил НАЗАР

Замира эрталаб шахд билан чиқиб кетди-ю, то ота уйига етиб боргунча ҳам бир қарорга келолмади.

"Нима деб бораман? Нега аразлаб келганими қандай тушунтирмаган? Эрим билан ўртамаздан бир оғиз гап ўтмаган бўлса... Ўзи иккита болам билан кимнинг кўзи учиб турибди менга?" Шу хаёллар таъсирида иккила-

ниши тобора зўрайиб, шашти пасайиб борарди. Эрталабки шахди бошқача эди. Рост-да, қачон ўз ҳаёти билан яшайди? Ўз орзу-режалари, интилишлари билан тинч қўйишадими-йўқми? Ўзи уйдагилари етарди, уч болали қайсинглиси ҳам кўч-кўро-

ни билан қайтиб келди-ю, кенг ҳовли бирдан торайиб қолди. Ҳали болалар жиққа-мушт уришиб кетишади, ҳали аёлларнинг иш бўлиши тежораси бошланади. Битта тергайдиган қайсинглиси етиб ортаётганда, иккита бўлганларидан кейин Замиранинг шўри қуриди. Юмуш бўлса - келинга, иззат бўлса - қизларга. Шу ғавғолардан безор бўлиб, ишга қайтмоқچям бўлди.

- Иш қочиб кетмайди. Ёшлигингизда болани кўпай-

тирволдинг. Қизингиз ё ўғлингизга шерик онгелинг, кейин ишлайверасиз...

Юриш-туришига қайсинглишлар, қийинишига қайнота, туғишга қайнона хўжайин...

Эрининг ғалвага тоби йўқ. Айниқса, синглиси қайтиб келганидан бери майда-чуйда гаплардан безор бўлиб, кўчадан бери келмайди. Ҳасратини айтса, "мен нима қилай?" дан нарига ўтолмайди. Қайсингилнинг эрталаб-

боши чиқмайди. Пешин вақти уйга қайтаркан, набираларини кўриб, қувониб кетди.

- Нечук, бу сафар ой янгиламанмай келворибсан? Тинч мисан, ишқилиб?

Отанинг бу саволи бир дардини кўзгаб юборди-ю, индамай қўяқолди.

- Томорқа ишлари энгиллигда бориб келай, дедим-да. Кейин ҳам кўп оғиз жуфтлади-ю, журъат қилмади. Минг қилсаям ота, салобати бор.

ча уй-жой..." Замира аслида шундай жавоб кутганди.

Ўрнига ётгач, тун бўйи ўйлаб, ўйининг охирига етолмади. Келинойиси ҳам ўзидан қиёс, лекин бу ҳовли анча кенг, шароит бор-ку, оғир олмаша бўларди...

Эртаси куни дадаси намоз ўқиётган пайтида болалари шовқин қилгани учун бироз қойиғандек бўлди. Замирага ўқиб турган пайтида шунинг ўзи етарли эди, дарров

Онаси ҳаёт бўлганида-ку, анча тафтини оларди... Оқшом пайти, болалар ухлаб, тинчиган келинойиси билан дардлашиб ўтириб, охири ёрилди.

- Бир ҳовлида нақд ўн уч киши яшаймиз. Бўларим бўлди, то алоҳида уй қилмагунча бормаيمان!

Гап шу ерига келганда бояндан бери ҳамдардик билдириб, кўнглини кўтараётган келинойининг авзойи сал ўзгаргандек бўлди. "Тўғри қиласиз, борманг, мана шун-

ки гапи жон-жонидан ўтиб кетиб, шартта зарур қийимларини йиғиштириб чиқиб келавери. Бир қадрини билишсин!

Келинойиси очқ юз билан кўтиб олди, жиянлари парвона бўлишди. Замира энг аввал дадасини суриштирди.

- Боягина гузарга чиқиб кетгандилар, - деди оҳорлироқ яқандоз тўшаётган келинойи.

- Уч-тўрт кундан бери тоблари йўқ, йўтал тутиб қийнапти.

- Дадаси бечора, онаси ўтгандан бери касалдан

ЧИҚҚАН ҚИЗ

Турмуш чорраҳаларида

- Меники, тегма!

- Вой-бў-ў, қизгачаник. Менда бунданам зўри бор, чироклари ёнадиган.

- Алдаяпсан, балоям йўқ! Ўғли ва жиянининг гап талашаётганини эшитиб турса ҳам, қичиб аралашгани тоқати етмади. Даҳанаки жанг ўртасига келинойи тушди.

- Ҳа, нима гап?

- Қаранг, машинами тортволяпти.

- Ҳечам-да, жиндак ўйнай десам, қизганапти.


- Бер бўёқка! - жаҳл қилди аёл кутилмаганда. - Икковингга ҳам йўқ, бор кўчага чиқинглар!

Қўшни хонада ўтирган Замира лом-лим демади. Сескингина туриб, даҳлиз орқали дадаси ёнбошлаб ётган ойнаванд айвонга ўтди.

- Дада, энди биз қайтайлик... У қизчаси қўлида, ўғлини етаклаганча оёғини зўрга судраб борарди. На олдинга юргиси келарди, на орқага қайтгиси...

Гулчехра АСРОНОВА, Фаргона шахри.

СОҒ БЎЛИНГ ВА ЙЎТАЛМАНГ!



Куз бошланиб, кунлар салқинлашиши билан айрим кишиларда йўтал бошланади. Йўтал туфайли баъзилар йиллар бўйи азият чекиб юришади. Агар бемор ўз организми-ни ва йўталнинг асл сабабини яхшилаб билиб олса, дориларга ва ортиқча харажатга ҳожат қолмаслиги аниқ.



Айнан шу пайтда йўтал бизга ёрдамга келади. Биз йўтал туфайли бронх ва трахеялардаги ортиқча шиллимишқ модда ва балғамни чиқариб ташлаймиз. Шу боис ҳар доим ҳам йўталга қарши дориларни қўллаш ярамайди. Сабаби, йўтални тўхтатиб, биз аслида танамизни тозалашни тўхтатиб қўйган бўламиз. Тўхтовсиз йўтал сизни безовта қилаётган бўлса, шифокор

УҚАЛАШ ЁРДАМ БЕРАДИ

Йўталдан кутулишда нафақат турли доривор гиёҳлар, балки махсус машқлар ва уқалаш муолажалари ҳам юқори самара беради. Агар бурундан шиллимишқ қўп келаётган бўлса, кўкрак қафасига энгил уриш, трахея, бронхлар ва ўпка ҳудудларини мой билан уқалаш балғам кўчишини яхшилаб, нафас олиш аъзоларида қон айланишини кучайтиради. Кўкрак қафаси, елка ва белни уқалашни қиздирувчи компресслар билан қўшиб олиб бориш муолажаларнинг фойдалилик хусусиятини янада оширади. Бунинг учун беморни яхшилаб уқалагач, баданига картошка ёки карамли компресс қўйлади. Уқалашдан сўнг танада қон айланиши яхшиланади, бу эса компресснинг таъсирини ҳам оширади.

нинг энг пастки нуқтасидан бўйинга қараб бармоқлар билан уриб чиқинг. Кейин худди шундай кўкракка ҳам кафтингиз билан уриб-уриб қўйинг. Аммо боланинг ҳарорати баланд бўлса, уқалаш муолажасини бажармаган маъқул. Боиси қон айланишининг кучайиши ҳароратни янада кўтариб юбориши мумкин.

ҚУТҚАРУВЧИ РЕФЛЕКС

Йўтал тананинг нафас олиш йўлларида юз берадиган салбий ўзгаришларга табиий рефлекторли жавобидир. Нафас олиш йўллари аъзоларига қуруқ ҳаво, оддий чанг, аллергия кўзгоччилар таъсир этиши, томоқ ва нафас йўллари шиллик пардаларининг яллиғланиши ҳамда шиллимишқ модда тўпланиши йўталга сабаб бўлиши мумкин. Аслида, трахея ва бронхлар мунтазам равишда шиллимишқ ажратиб туради ва 24 соатда унинг миқдори салкам бир станганга етади. "Унда шунча шиллимишқ ошқозонга тўлиб қолмайдими?" - деган савол туғилиши мумкин. Бундай эмас. Чунки бронхлар тўлқинсимон ҳаракат қилиб туриши сабаб шиллимишқ модда нафас йўллари орқали юқорига кўтарилади. Қолаверса, нафас йўллари ҳам киприкчалар шаклидаги тўқималар билан қопланган бўлиб, улар ҳам шиллимишқни юқорига кўтаради. Тинимсиз сигарета чекиш каби зарарли одатлар эса мана шу киприк-тўқималар фаолиятини издан чиқаради.

тегишли муолажа воситаларини тайинлаши мумкин. Лекин ҳеч қачон ўз билганингизча даволанишга уринманг. Агар йўтал юмшоқ, балғам эса яхши келаётган бўлса, кўп ҳаракатланмай, тўшақда ётиб дам олиш, тоза ҳавога чиқиб туриш, кўпроқ суяқлик ичиш кифоя.

Мабодо, йўтал қуруқ бўлиб, балғам кўчиши қийин кечаётган бўлса, ингаляция қилиш, балғам кўчирувчи суяқ дорилар ичиш керак. Лекин бурундан тинимсиз суяқлик оқиб турганда балғам кўчирувчи дориларни ичишни тўхтатиш лозим. Чунки шундай қилинмаса, нафас йўллари балғам билан тўлиб қолиши мумкин.

Баъзида эса йўтал руҳий сабабга эга бўлади. Ҳеч эътибор қилганмисиз, айрим болалар (хатто баъзи катталар ҳам) ўзларига атрофдагиларнинг диққатини жалб этиш учун йўталдан фойдаланадилар. Энг қизиги, бунинг улар атайлаб қилишмайди, балки онгидаги махсус катакчалар нафас йўлларига тегишли топшириқ бериб, йўтални келтириб чиқаради. Айримлар эса сўхбатдошининг гаплари ўзига маъқул келмаётганини билдириб қўйиш учун ҳам тез-тез йўталиб туришади. Тумов ёки яллиғланишдан бошқа сабаб билан тез-тез йўталдиган бўлсангиз, ўзингизни диққат билан кузатиб, бунинг асл моҳиятини аниқлаб олишингиз мумкин.

Уқалаш муолажаларини олишдан аввал йўталнинг сабаби плеврит эмаслигига ишонч ҳосил қилинг. Чунки плевритда терига механик таъсир кўрсатиш зарарли оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу боис олдин шифокор билан маслаҳатлашинг.

Трахеит, бронхит ҳамда ўпка яллиғланишида (агар тананинг ҳарорати у қадар юқори бўлмаса) уқалаш муолажаси нафас олиш аъзоларидан балғам кўчишини тезлаштиради. Аммо муолажадан сўнг йўтал кучайишини ва анчагина нам бўлишини ҳам таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бу пайтда бармоқ уларни билан трахея атрофларига, юракка тегмайдиغان қилиб, уриб-уриб қўйиш фойдалидир. Ёши катта эркакларда ва тўла кишиларда кафт билан уриш тавсия этилади.

Ёш болага уқалаш муолажасини қилганда белдан бошлаш керак. Аввал кафтларингиз билан унинг белни пастдан юқорига қараб, барча қовургаларни ва ён томонларни қолдирмай сийпалаб чиқинг. Сўнг худди шу тарзда пастдан юқорига қараб шапатилаб чиқиш лозим. Имкони бўлса, чўккалатиб бошини кўкрагидан пастга қилиб ўтказиб, бел-

нинг энг пастки нуқтасидан бўйинга қараб бармоқлар билан уриб чиқинг. Кейин худди шундай кўкракка ҳам кафтингиз билан уриб-уриб қўйинг. Аммо боланинг ҳарорати баланд бўлса, уқалаш муолажасини бажармаган маъқул. Боиси қон айланишининг кучайиши ҳароратни янада кўтариб юбориши мумкин.

Агар ўзингизни яхши ҳис этаётган бўлсангиз, кўкракни уқалашдан ташқари қўл ва кўкрак қафасининг чигалини ёздадиган машқлар ҳам бажаришингиз мумкин. Яъни қўлларингизни икки ёнга ва юқорига силкитинг, улар билан айланма ҳаракатлар қилинг. Олдинга энгайиб, қўллар билан дам уларни икки ёнга силтаб, дам кўкрак қафасини кучоқлаб олиб машқлар бажариш ҳам фойдали. Болалар эса у қадар фаол ҳаракатни талаб этмайдиган машқлар бажарганлари маъқул. Хусусан, бир неча марта қўлларини икки ёнга ёйиб, сўнг кўкракни кучиб олгандек ҳаракат қилсалар кифоя.

Шунингдек, йўталда оёқларнинг ост қисмини уқалаш ҳам яхши самара беради. Чунки оёқлар остида айнан нафас олиш аъзолари билан боғланган рефлектор нуқталар жойлашган. Оёқнинг кўрсаткич, ўрта ва номсиз бармоқларидан бир-икки сантиметр пастни босиб кўриб, оғриқли нуқтани топинг. Сўнгра ҳар иккала оёқнингиздаги айна шу нуқтани кунига 10-15 дақиқадан айланма ҳаракатлар билан уқалаб туринг. Дарвоқе, маълум бўлишича, доим ингичка ва тор оёқ кийим кийиб юрадиган кишилар аксарият ҳолларда сабаби номаълум бўлган йўталдан азият чекишар экан. Демак, бундан нокулай оёқ кийим оёқ кафтидаги рефлектор нуқталарга салбий таъсир кўрсатиб, шу орқали нафас олиш аъзоларига ҳам оғриқли таъсир этади, деган ҳулосага келиш мумкин.

ЖАЛҚОНА ДОРИХОНА

→ Бир бош пиёзнинг пўстини артиб, яхшилаб ювинг ва тўзранг. Пиёзни шиша идишга солиб, устига шакар сеппинг ёки асал қўйинг. Пиёзнинг шарбати ажралиб чиққач, кунига уч маҳал овқатлангандан кейин 1 ош қошиқдан ичиб туринг. Ёш болага эса шарбатдан бир чой қошиқдан ичириш тавсия этилади. Бу муолажа микробларни ўлдирувчи ва йўтални юмшатувчи таъсир кўрсатади.

→ Бир дона карам баргини, қайноқ сувга ботириб олинг. Сал совуғач, кўкрагингизга қўйиб, устидан компресс қоғози ёки оддий елим халта ўраб, жун рўмон билан боғлаб, кечаси билан қолдиринг. Агар карам баргини ҳам кўкракка, ҳам белга қўйсангиз, самараси янада ошади.

→ Икки дона ўртача катталиқдаги картошкани пўсти билан қайнатиб, совуғасидан бўлақларга бўлинг. Кўкракка компресс қоғози, устидан картошкани қўйинг. Устидан эса елим халта ва жун рўмон ўраб, тўшақка ётинг. Компресс

совуғандан сўнг ечиб олинг. Яхшиси, картошкани компрессни кечкурун уйқуга ётишдан олдин қўйган маъқул. Шунда тўшақдан туришга ҳожат қолмайди.

→ Илиқ сут ва сабзи шарбатини тенг миқдорда аралаштиринг. Ундан кунига 6 маҳал 1 ош қошиқдан ичиб туриш фойдалидир.

→ Турпни майда бўлақларга бўлиб, устига шакар сеппиб қўйинг. Ярим кун турса, шарбати ажралиб чиқади. Ҳар соатда шарбатдан 1 ош қошиқдан ичиш керак.

→ Болаларга йўталга қарши мандаринли музқандлар ёқиши табиий. Бундай музқанд тайёрлаш учун сизга ярим килограмм мандарин пўстлоғи керак бўлади. Пўстлоққа 250 грамм шакар ва озроқ сув қўшиб қайнатасиз. Қуюқ шарбат ҳосил бўлгач, устига яна 250 грамм шакар қўшинг. Сал совуғач, музлаткичнинг муз тайёрлайдиган идишларига қўйиб, 2 соат совутиб оласиз. Тайёр бўлган шифобахш музқанддан болаларга бир ҳафта давомида кунига 3-4 марта ҳар сафар бир неча донадан бериб туриш керак.

ЙЎТАЛ ҚУРУҚ БЎЛСА

Куруқ йўталнинг сабаблари турлича бўлиши мумкин. Ҳатто хона ҳавосининг ўта қуруқлиги ҳам бундай йўтални келтириб чиқариши мумкин. Ҳавога чанг кўтарилиши ёки ёқимсиз, бегона ҳид аллергия йўталга сабаб бўлади. Астма билан оғрийдиган кишиларда эса нафас йўллари кичиши, хатто узлуксиз йўтал тутиб қолиши ҳолатлари кузатилади.

→ Тумов ва фарингитда қуруқ йўталдан кутулиш учун муолажани аввало беморни етарлича намликка эга бўлган тоза ҳаво билан таъминлашдан бошлаш керак. Бунинг учун хонага совуқ сув тўлдирилган тоғора қўйиш, вақти-вақти билан пуркагичдан сув пуркаб туриш тавсия этилади.

→ Агар йўтал кучли бўлса, ваннахонага кириб, нам ҳаводан бироз нафас олиш лозим. **Муолажа куйидагича бўлади: ваннани қайноқ сув билан тўлдириб, бир неча қошиқ ичимлик**

содаси қўшилади. Агар йўтал нам ва балғам яхши кўчаётган бўлса, сода қўшиш шарт эмас. Ваннахона қайноқ буғ билан тўлгач, 10-15 дақиқа оғиз билан нафас олиб ўтириш керак. Мабодо, фарзандингиз йўталаётган бўлса, ваннахонага у билан бирга кириб, нафас олишини назорат қилиб туринг.

Ичимлик содаси қўшилган буғ аллергия куруқ йўталда ҳам яхши ёрдам беради.

→ Шунингдек, куруқ йўталда картошқа буғида ингаляция қилиш ҳам фойдалидир. Бу муолажа жуда қаттиқ ва тинимсиз йўталда ҳам уни юмшатади. Муолажа куйидагича: Картошкани пўстини тозаламай идишга солиб, озроқ сув билан оловга қўйсиз. Сув қайнаб буғлангач, идиш устига энгашиб, бошингизни сочқ билан ёлганча 10-15 дақиқа буғли ҳаводан нафас олиб туринг. Нафас йўталларини куйдириб олмаслик учун идишга жуда ҳам яқин энгашмаслик лозим.

(Давоми 15-бетда) →

ДАРМОНДОРЛИК ИЧИМЛИКЛАР!

ШАРБАТЛАР ФЙДАЛИ...МИ?

✓ Янги сиқиб олинган шарбатлар фойдалидир. Чунки, уларнинг таркибида озиклантирувчи тоғлар бор.

Оқсиллар ва пектин моддаси (улар айниқса меванинг эзилган этида кўп бўлади) ичаклар фаолиятини яхшилаб, танадан холестерин моддаси чиқиб кетишига ёрдам беради. Шу сабабдан ҳам янги сиқиб олинган шарбатлар ичаклар фаолияти бузилган ва хотираси сусайган кишиларга жуда фойдалидир.

Бироқ, шарбатларни ҳаддан ташқари кўп ичиш ҳам ични бўшаштириб юборади.

✓ Иккинчидан эса улар дармондориларга жуда бой. Айниқса шарбатларда мавжуд бўлган С дармондориси иммунитетни кўтариб, шомоллашни даволайди. Чарқоқни қолдириб, бўғинлардаги оғриқни тўзатади ва иштахани очади. Са-



Дўконлардаги пештахталарда турган турли-туман шарбатлар, ичимликлар кўзни қувонтиради. Бироқ, қанчалик лаззатли бўлмасин, буларнинг ҳаммаси янги сиқиб олинган шарбатларга тенг келмайди. Ёз фаслида эса мева ва сабзавотлар мўл бўлади. Ҳар қуни янги шарбатлар тайёрлаб истеъмол қилсангиз, танангизни қишга ҳам етадиган дармондорилар билан таъминлаган бўласиз! Уйда мева ёки сабзавот шарбатини тайёрламоқчи бўлсангиз, шарбат сиқиб оладиган аппарат бўлиши шарт эмас. Оддий усулда ҳам шарбатлар тайёрлаш мумкин.

риқ ёки сабзи ранг меваларда каротин моддаси кўп. У юрак-томир хасталиқларини даволаб, қариш ва саратон касаллигининг олдини олади. Шунингдек, шарбатларда В1 дармондориси ҳам бўлиб, (ҳомилдор аёллар ва қанд касаллиги билан оғриган беморларга фойдали) у кайфиятни яхшилайти ва зўриқибнинг олдини олади. РР дармондориси эса асаб тизимини мустаҳкамлаб, тери, соч ва шиллик қаватларни соғломлаштириш учун хизмат қилади. Уйқусизликда ёрдам беради.

✓ Учинчидан эса—шарбатлар маданили моддаларга жуда бой. Масалан, калий тузи (у ҳар қандай шарбатда бўлади) танадига орткича намликни чиқариб юборади. Шифокорлар буйрағи касал, юрак-томир фаолияти бузилиб, шунинг натижасида танаси шишадиган беморларга ҳам янги сиқиб олинган мева шарбатини тавсия этадилар.

✓ Тўртинчидан, шарбатлар таркибида ёғ бўлмайди, демак унинг каллорияси кам ва мазази бўлади.

✓ Бешинчидан, органик кислота (олма, лимон ва олча) овқат

ҳазм қилиш безлари фаолиятини яхшилайти. Бу эса ўз навбатида овқатнинг танага сўрилишини таъминлайди.

Шарбатлар ошқозон кислотаси кбилан боғлиқ қатор касалликлар, шунингдек, ошқозон шарбатидеги туз кислотаси танқислигининг ҳам олдини олади.

ШАРБАТЛАР ҚАНДАЙ ИЧИЛАДИ?

✓ Агар шарбатга сув қўшиш зарур бўлса, қайнатилган сув қўшманг. Маъдани, газсиз ёки газли сув қўшганингиз маъқул.

✓ Шарбатларни тайёрлаган захотийё ичиш лозим. Уларни ҳатто музлаткида ҳам сақлаш мумкин эмас. Чунки шарбатлар тез бузилиб, таркибидаги фойдали ва шифобахш хусусиятларини йўқотади.

✓ Нордон шарбатлар, (олманки) жигилдонни қайнатиши мумкин.

Кўлундай шарбатиде глюкоза кўп микдорда бўлгани учун семиз ва қанд касали бор кишиларга тавсия этилмайди. Ичак фаолиятида муаммоси бор кишилар узум шарбатидан истеъмол қилмаганлари маъқул.

✓ Шарбатларни кўп ичиш ҳам фойда бермайди. Тана учун ҳар қандай

шарбатдан бир стакан ичилса кифоя қилади. Литрлаб шарбат ичиш соғлиқ учун жуда зарарли.

✓ Янги сиқиб олинган шарбатларни ичгандан сўнг тишларни албатта ювиб ташлаш керак. Чунки, уларнинг таркибидаги кислоталар тишлардаги эмални емириб юборади.

ЎЗИНГИЗ ТАЙЁРЛАНГ!

УЗУМЛИ ИЧИМЛИК

100 грамм данагидан ажратилган оқ узум, 1 ош қошиқ ялғиз барглари, ва 80 грамм газланмаган минерал сувни қўшиб миксерда 30 дақиқа давомда аралаштирилиб, сўнг ичилади.

МАЛИНАЛИ ...

50 грамм данаксиз олча, 50 граммдан кўлундай ва малинага 60 мл. оқ узум шарбати, 1 ош қошиқ кўпиртирилган қаймоқ қўшилиб, миксерда масса ҳолга келгунча кўпиртирилади. Сўнг элакдан ўтказилгач, олхўри меваси билан безатилиб, истеъмол қилинади.

ОЛМАЛИ ...

Бир ҳовуч майдалаб тўғралган шпинат, 2 дона йирик қилиб тўғралган апельсин, 120 мл. газсиз минерал сув миксерда аралаштирилади. Сўнг элакдан ўтказилади. Уни истаган пайтда ичиш мумкин.

ДИЛБАР ВА ҲАМИДА ТАЙЁРЛАШДИ.

Х алқ ичида марганцовка деб юритиладиган калий перманганати марган кислотасининг тузи бўлиб, у ялтироқ, тўқ бинафшаранг майда кристалларнинг қуқуни кўринишида бўлади. У сувда яхши эрийди ва тиниқ бинафша рангини, камроқ солинганда эса пушти ранғи ҳосил қилади.

Калий перманганати кучли оксидловчи модда ҳисобланади, шунга кўра у микробларга қарши курашиш (антисептик) хусусиятига эга. Енгил оксидландиган моддалар таркибидан иборат бўлган сув эритмаларида ун (марганцовкадан газсимон кислород - кучли антисептик ажралиб чиқади).

Калий перманганати турли (кўпгина) захарларни зарарсизлантириш қобилиятига эга. Шу сабабли ундан кўпроқ ҳар хил захарли моддалар билан кучли захарланган ошқозонни ювишда фойдаланилади. Бунинг учун сувга унинг тиниқлигини сақлаган ҳолда тиниқ қизил ранг қиладиган даражада марганцовка эритмаси солинади ва беморга ичирилиб, қайт қилирилади. Бироқ шунга ёдда тутиш керакки, калий перманганати ошқозонни ювиш учун тайёрланган сувга тўғридан-тўғри солинмайди, чунки унинг эриб улгурмаган қуқуни ошқозоннинг шиллик пардасига тушса, уни куйдириши мумкин. Шунинг учун яхши-си, аввал марганцовка эритмасини тайёрлаш, сўнгра уни ошқозонни ювишга ҳозирланган сувга керакли микдорда қўшиш керак.

МАРГАНЦОВКАДАН ҚАЧОН ВА ҚАНДАЙ ФЙДАЛАНИШ КЕРАК?

Бадандаги (тери юзасидаги) яраларни ювиш ва дезинфекция қилиш учун калий перманганати сувга тўқ қизил ранг ҳосил қилгунча солинади (0,1-0,5 фоизли эритма).

Сувчечак билан оғриган бемор териси оч пушти рангли марганцовка эритмасида намланган пахта билан артилади, тошмаларга эса кучлироқ - 5 фоизли эритма қўйилади.

Беморда ётоқ яра (узоқ вақт ётиб қолган беморнинг юмшоқ тўқималарида вужудга келадиган яра) белгилари (терининг қизариши) пайдо бўлса, қизарган жойларни 5-10 фоизли эритма билан қунига бир-икки маҳал артиш керак.

Кўлдаги жиддий бўлмаган ёрилиш, кесилиш каби жароҳатларни даволаш учун аввал шу жойларни марганцовка эритмаси қўшилган илиқ сув (у пушти рангда бўлиши лозим)га солиш, сўнгра йод суртиш керак.

Оёқлар жуда тейладиган бўлса, уларни ҳар қуни 10-15 дақиқа марганцовкали ваннага (сув ранги оч пушти бўлиши керак) солиш тавсия этилади, сўнг яхшилаб артиб, уларга бир фоизли формалин эритмасини суртиш керак.

Томоқ оғриганда (ангина) уни калий перманганати солинган сув (ранги оч пушти бўлиши керак) билан чайиш яхши натижа беради (бир кеча-кундузда камида 4-5 маҳал). Айнан шундай эритмадан қизилчани даволашда ҳам фойдаланиш мумкин (бир кеча-кундузда 2-3 маҳал ва ундан ортки).

Бавосилининг ўткир босқичида бемор ахволини енгиллатиш учун марганцовкали ваннадан фойдаланса бўлади (сув илиқ-милик бўлиши лозим).

Айрим ҳолатларда бу препаратни **ички касалликларни даволашда** ҳам қўллаш мумкин. **Ич кетганда** (диарея) эрталаб ва кечқурун бир стакандан оч пушти рангли марганцовка эритмасини ичиш тавсия этилади. Уни ишлатганда таркибидан кўкунини терига, айниқса, шиллик пардаларга туширмалик керак, чунки уларни куйдириши мумкин. Шунинг учун эритмани тайёрлашда ўта эҳтиёт бўлиш ва препарат кристаллари тўлиқ эриб бўлгандан кейингина эритмадан фойдаланиш керак.

Зафар САИДОВ тайёрлади.

(Давоми. Боши 14-бетда)

ФЙДАЛИ ВА ЗАРАРЛИ МАҲСУЛОТЛАР

Мабодо сизни йўтал узоқ вақтдан бери қийнаб келаётган бўлса, ёхуд анчадан бери давосини тополмаётган бўлсангиз, турмуш тарзингизга, иммун тизимингизнинг ҳолатига ва истеъмол қилаётган озиқ-овқатларингизга эътибор қаратишингиз лозим. Ширинликларни, ун маҳсулотларини, таркибиде оқсиллар сероб бўлган озиқ-овқатларни кўп емасизми, шунга таҳлил этиб кўринг. Кўпчилигимиз ҳар қуни озми-кўпми гўшт, тухум, сут истеъмол қилишга ўрганиб қолганмиз. Ваҳоланки, бу маҳсулотлар танамизда балғамнинг кўп ишлаб чиқарилишига сабаб бўлади. Болаларнинг анъанавий сулли бўтқалари ҳам йўтални даволашга тўсқинлик қилиши мумкин экан.

Умуман, тез-тез йўталиб туришдан бе-

СОҒ БЎЛИНГ ВА ЙЎТАЛМАНГ!

зовта бўладиган кишилар иммунитетни оширадиган, танани оғриқни юзага келтирадиган турли зарарли хиллардан, жумладан балғамлардан тозаланидиган табиий маҳсулотлар истеъмол қилишга ўтишлари лозим. Шу боис эрталабки нонушта ва кечки овқат пайтида дастурхонингизда фақат мевалар, ўзингиз тайёрлаган табиий шарбатлар, сабзавотли салатлар, қатиқ, ёнғоқ ва листа (қунига 50-100 граммдан ошмасин!) бўлсин. Бундай таомнома асосида овқатланган ошқозон-ичак йўллари фаолиятини яхшилайди. Иммун тўқималарининг аксарияти ичакларда бўлгани боис унинг фойдаси чандон ортади. Қанд, шакар, ўсимлик ёғлари, консервалар, газли сувлар истеъмол қилманг.

Йўталдан қутулиш учун шифобахш ошлик муолажасини ҳам қўллаб кўриш мумкин.

1-2 кун оч юрсангиз, танангизнинг балғамлардан тозаланиши тезлашади. Кучли ва сурункали оғриқ пайтида эса кўпроқ дам олинг. Шунда иммун тизимингиз ўз кучини бошқа нарсага эмас, айнан касаллик билан курашишга сарфлайди. Очлик муолажасидан сўнг дарров таркибиде оқсиллар сероб бўлган маҳсулотларни истеъмол қилиш ҳам ярамайди. Олдинги мевалар ва табиий шарбатлар, қарам, сабзи ва олмали салатлар, пиез ва саримсоқ пиезлардан бошлаш керак. Қолаверса, витаминларга бой қора смородина, маймунжон шарбатлари, лимон, булғор қаламири ҳам ёддан чиқмасин.

Бундай пайтда суоқликлар ичишга ҳам алоҳида эътибор қаратиш керак. Йўтал ўпка ва юрак яллиғланиши билан боғлиқ бўлмаса, ҳамда шифокор суоқлик ичишининг маълум микдор ва меъёрла-

рини тавсия этмаса, имкон қадар кўпроқ тоза сув(қайнатилган водопровод суви ёки бугун дўконларда кўплаб сотилаётган газланмаган минерал сувлар), маймунжон, смородина ва бошқа мевалардан тайёрланган табиий шарбатлардан ичиб туриш керак. Сабаби, сув балғамни юмшатиб, янада суоқтириди ва нафас йўллардан кўчишини осонлаштиради. Бундан ташқари, тоза сув танага турли хиллардан тозаловчи таъсир ҳам кўрсатади. Бу эса нафақат йўталда, балки ҳар қандай касални даволашда ҳам муолажалар самарасини кескин оширади.

Агар сиз тез-тез касалга чалиниб турсангиз, ишлайдиган ва ётадиган хонангизни доимий шамоллатиб туриш, тоза ҳавода жисмоний тарбия машқларини бажариш, иммунитетни мустаҳкамловчи бошқа тадбирларни қўллашни одат қилинг.

ДАРМОН тайёрлади.



415 Ёшим 41 да. Тошкентликман. Ажрашганман. Баланд бўйли, жиддий, келишган эркекман. Ўзимнинг уйим бор. Oilани таъминлай оламан. Тижоратчилик билан шуғулланаман. 35 ёшгача бўлган, хушрўй, ораста, одобли, тошкентлик аёл бўлса уйланиб ширин oilа курган бўлардим.
Манзилем тахририятда.
Анварбек

416 Ёшим 47 да. Ҳали турмушга чиқмаганман. Маълумотим олий. Онам ва синглим билан яшайман. Касбим педагог-психолог. 50 ёшгача бўлган, тошкентлик, ажрашган, ўзининг уй-жойи бўлган, ишлайдиган эркек бўлса турмушга курган бўлардим.
Манзилем тахририятда.
Хафиза

417 Ёшим 46 да. Турмушга чиқмаганман. Ўз ҳовлим бор. 48-50 ёшгача бўлган, келишган, ажрашган, иймонли, ичкўев бўлишга рози бўладиган тошкентлик эркек билан oilа куриш ниятидаман.
Манзилем тахририятда.
Рисолат

418 Ёшим 65 да. Аёлим вафот этган. Катта ҳовлида ўзимнинг алоҳида уйим бор. Фарзандларим моддий томондан таъминлаб қўйган. Болаларидан қутулган, 60 ёшлардаги, меҳрибон ва самимий бир аёл бўлса уйланиб бўлар эдим.
Манзилем тахририятда.
Қобил ота

419 Қизимнинг ёши 32да. Ҳали турмушга чиқмаган. Ишламайди. Уй-рўзгор ишларини ўрнига қўйиб бажаради. (Бўйи 150 см.) 38 ёшгача бўлган, тошкентлик, ажрашган ёки уйланибман йигит бўлса қувв қилган бўлардим.
Манзилем тахририятда.
Муътабар опа

«OILA» БЎЛИМИГА КЕЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
Бўлимга келиб эълон берувчилар ҳам, манзил олишга келганлар ҳам тахририятга паспортлари нусхасини топширилари шарт. Паспортининг нусхаси бўлмаган шахсларга келин ва кўёвларнинг манзиллари ёки телефон рақамлари берилмайди.

420 Ёшим 21 да. Ҳали турмушга чиқмаганман. Ота-онам билан яшайман. Oilамиз ўзига тўқ яшайди. 25-27 ёшгача бўлган, тошкентлик, мард, oilасини ва аёлини кадрлайдиган, меҳрибон бир йигитнинг севимли ёри бўлсам, дейман.
Манзилем тахририятда.
Севар

421 Ёшим 36 да. Асли тошкентликман. Ажрашганман. Ишлайман. Уй-жойим бор. Топганим oilамни таъминлашга етади. 30 ёшгача бўлган, (иложи борича тошкентлик), оққўнғил, oilасига файз бера оладиган, саришта аёл бўлса уйланиб, oilа курган бўлардим.
Манзилем тахририятда.
Адхам

422 Асли тошкентликмиз. 28 ёшли турмушга чиқмаган жуда чиройли хияним бор. Маълумоти олий. Ақлли, давлат ишида ишлайди. Ўқимишли, жиддий, келишган, уй-жойли, тошкентлик йигит бўлса узатган бўлардик.
Манзилем тахририятда.
Ҳақима опа

423 Ёшим 38 да. Ажрашганман. Ўқитувчи бўлиб ишлайман. Икки нафар қизларим бор. 50 ёшгача бўлган, oilани таъминлай оладиган, (қаерлик бўлса ҳам Тошкентда уй-жойи бўлган), тошкентда яшайдиган, қизларимга оталик меҳрини бера оладиган эркек бўлса турмушга чиқар эдим.
Манзилем тахририятда.
Шаҳноза

424 Қизимнинг ёши 25 да. Ажрашган. Ўзи жуда яхши, уй-рўзгор ишларини жойига қўйиб бажарадиган, одобли қиз. 35 ёшгача бўлган, касбли ёки ишлайдиган, ўзининг уй-жойи бўлган, жиддий сабаб билан ажрашган эркек бўлса қувв қилган бўлардик.
Манзилем тахририятда.
Қомила опа

425 Ёшим 40 да. Тошкент вилоятида яшайман. Ажрашганман. Ҳовли-жойим бор. Меҳнаткаш, топармон-тутармон эркекман. 30-35 ёшгача бўлган, (бир қизчаси бўлган), ажрашган, уй-жойига меҳр қўя оладиган аёл билан oilа куримоқчиман.
Манзилем тахририятда.
Мансур

426 Ёшим 26 да. Ишлайман. Ажрашганман. Келишган, oilани муқаддас биладиган аёлман. 33 ёшгача бўлган, қаердан бўлса ҳам Тошкентда яшайдиган, уйи бўлган, ишлайдиган, мустақил эркек билан танишиб, турмушга чиқмоқчиман.
Манзилем тахририятда.
Нургул

427 Ёшим 35 да. Турмушга чиқмаганман. Олий маълумотлиман. Ишлайман. 40 ёшгача бўлган, тошкентлик, олий маълумотли йигитнинг уй-рўзгорини гуллатадиган бекаси бўлардим.
Манзилем тахририятда.
Мунаввара

428 Ёшим 56 да. Турмуш ўртоғим вафот этган. Маълумотим олий, Тошкентда яшайман. 60 ёшгача бўлган, ажрашган ёки аёли қаю қилган эркекка турмушга чиқмоқчиман.
Манзилем тахририятда.
Нуринисо опа

OILAMGA SЎZ BERGANDIM...



мизда тўрт нафар фарзанд бўлсак, шуларнинг энг каттаси мен эдим. Ўзимдан кейинги уч нафар укаларимнинг тақдирини менга ишониб кетганди онам. У биздан сўнгги нафасигача кўнглини уза олмади. Онагиним: "Укаларингни ўқитмагин, уларга оналик қилгин болам..." - дея жавдираб, кўзларидаги ўтинч билан кўз юмди.
- **Онангининг васиятини бажардингизми?**
- Албатта, онамга сўз бердим узимдан, орзуларимдан кечдим. Уч укамни вояга етказдим. Мактабни битирганларидан сўнг ўқишларга киришди. Мен эса уларни ош-овқати, кийим-кечаклари билан таъминлаб, ҳеч кимдан кам қилмадим. Укаларим институтни битиршигандан сўнг ўзлари ёқтирган қизларини уйимизга келин қилиб туширдим. Аммо, бу билан ҳам муаммолар тугамади. Иккитасига алоҳида уй керак эди.

429 - Ёшим 40 да, асли Бухориданман. Исмиим Мавжуда. Тақдир экан, кеч турмушга чиқдим. Бахтли бўлишни жуда истасам-да, лекин... Пешонамга бахтсизлик ёзилган экан, - дея сўз бошлади хонага кирган кўркамгина аёл.
- **Нега бундай бўлди?**

- Турмуш ўртоғим билан ажрашиб кетишимга кеч турмуш курганим сабаб бўлдимикан? Чунки бу вақтга келиб мен ҳаётдан, яшашдан жуда чарчагандим. Лекин, на илож? Ҳар бир қиз каби турмушга чиқишим, фарзанд ўстиришим керак эди-да. Шу боис кўнглимга ҳам қараб ўтирмадим. Совчи юборган нотаниш эркекка розилик бериб юборгандим. Бирок, келин бўлган уйимда бор йўғи беш ойгина яшадим, холос. Ҳозир ўн икки ёшга тўлган ўғлим отасини танимайди ҳам.
- **Вақтида турмушга чиқмаганингизга нима сабаб бўлганди?**
- Ўша пайтда бунга имкон бўлмади. Чунки онагиним бевақт оламдан ўтди. Oilа-

Елиб-юғуриб буни ҳам эпладим. Кичик укам эса ота-онанинг чирогини ёқиб ўтирибди. Шундан кейингина ўзимни ўйлаш пайти келди. Бу пайтда эса алақачон "қариқиз" га айланиб бўлгандим. Агар онам вафот этмаганида, вақтида турмушга чиқганимда, бунчалик ташвишлар бошимга тушмасмиди?..
- **Ҳозир укаларингиз кўнглингизга қарашмайдингизми?**

- Йўқ, улар ҳурматимни жойига қўйишади. Онамдан сўнг ҳаёт аравасини ёлғиз ўзим торта-торта зада бўлиб кетдим. Ёлғизликдан менчалик куйган аёл бўлмаса керак. Агар 45 ёшгача бўлган, бухоралик эркек бўлса турмушга чиқиб, рўзгорига файз ато этган бўлардим.
Бу аёلнинг сўзлари рост. Инсон ҳамма қийинчиликларга чидаса-да, лекин ёлғизликка бардош бера олмайдми. Мавжуда билан яқиндан танишиб, у билан турмуш куришни истаган эркеклар учун унинг манзили тахририятда.

UЙИМДА * * * ФАЙЗ ЙЎҚ!

- Ёшим 50 да. Исмиим Малик. Тошкентда яшайман. Аёлим қаю қилиб, уч ўғлим билан қолдим. Худого шукр, уй-жойдан камчилигимиз йўқ. Аёлим борида-рўзгорим обод эди. У билан бирга уйимнинг файзу баракаси ҳам кетгандек... Болаларим вояга етган, улар учун ҳам ота, ҳам она бўлиб яшяпман. Лекин...
- **Онанинг ўрнини боса олмаётгандирсиз?**

- Нимасини айтасиз? Иккита катта ўғлим ишга киришган. Пул топишади. Энди эса уларни уйлантиришим керак. Келинга қилинадиган сарпо-суруқларни олиш керак. Мен эса буларни тушунмайман. Аёлим бўлганда-ку, ҳаммасини маслаҳатлашиб қилган бўлардик. Қариндош уруғлар ҳам бору, лекин ҳамманинг ўз таш-

виши ўзига етарли-да. Эркеклар аёл кишидек саришта бўла олмас экан. Болаларим келгунча, суғур-сидир қилиш, овқат пиширишни амаллайман. Лекин ўғилларим ҳам: "Адакюн, қўйналиб кетдингиз. Бир яхши аёл бўлса гаплашиб, уйланинг. Уйимизга келадиган аёлни онамиздек қабул қилардик", - дейишапти. Тўғри, ҳали унча кекса ҳам эмасман. Бир меҳрибон, саришта, болаларимни ўз ўғлидек кўрадиган аёл бўлса, oilа курардим.

430 **Малик акага рафика бўла оладиган, фарзанда зор ёки ажрашган бир аёл бўлса у кишининг манзили тахририятда. Ташриф ва кўнгирукларингизни кутамиз.**
БАСИРА тайёрлади. ТЕЛ: 133-04-50

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган кўлбемалар тахлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 20:00. Босишга топширилди - 19:00
E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА
Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46
Оила, табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41
MANZILIMIZ:
Тошкент - 700000
Амир Темура кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.
Web-site: oilavajamiyat.uz
Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ХОМИЙ: «Матбуот таркатувчи» акциядорлик компанияси
ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 832. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ, Адади - 11035
Саҳифаловчи — Ш. БАРОКОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — С. ФАҲРИДИНОВА
Мусоҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ
1 3 4 5 6